2006 I-

2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон халқига янги йил табригидан.

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

#01 (420)

Yanvar

D.	30	2	9	16	23
S.	31	3	10	17	24
Ch.		4	11	18	25
P.		5	12	19	26
J.		6	13	20	27
Sh.		7	14	21	28
Y.	1	8	15	22	29

2006

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan. WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz

Ассалому алайкум!

Муҳтарам муштарий!

Мамлакатимиз тарихида унутилмас воқеаларга бой бўлган 2005 йил ҳам тарих мулкига айланди.

Мана, XXI асрнинг олтинчи йилида ҳам Сизлар билан дийдорлашиб турибмиз. Ҳар галгидек, бу йил ҳам ижодий жамоамиз газетанинг ҳар бир сони Сизга манзур бўлиши учун бор имкониятини ишга солишни режалаштирган. Муштарийларимиз турли соҳа ва касб эгалари эканлигини назарда тутиб, мавзу ва рукнлар доирасини кенгайтиришга қарор қилганмиз.

Яна эслатиб ўтмоқчимизки, бу йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» экан, мазкур мавзуда йил бўйи қизиқарли материаллар бериб борамиз ва бу ишда албатта Сизларнинг кўмагингизга таянамиз.

Юртимизда газеталар кўп. Ҳар бирининг ўз йўналиши, ўз мавзуси бор. «Нидо» билан ҳуқуқий маърифат сари олға қадам ташлай десангиз, нашримизни кузатиб боринг. Асло янглишмайсиз.

«Нидо» сизнинг минбарингиз!

Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақиллик монументи деб ном берганмиз. Бугун унинг ёнига бахтиёр она сиймосини ифодалайдиган янги ҳайкал қўйилди.

Шу сабабли, ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб ном берсак, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди...

...Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган. Шу маънода, бизнинг узоқни ўйлаб, айнан мана шу монументни Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдонида барпо этганимиз катта моҳият ва аҳамиятга эга.

Ислом КАРИМОВ

O`z uyingni o`zing asra

Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,
Андижон вилоят прокурори

Халқ нафрати — энг олий жазо

Андижон воқеаларидан сўнг икки ой ўтди. Шаҳардаги болалар спорт саройининг трибунасини ўқувчилар тўлдириб ўтиришибди. Уларнинг рўпарасида пойига гуллар қўйилган Ғанижон Абдураҳимовнинг катта сурати. Бугун унинг хотирасига бағишлаб шарқона яккакураш бўйича ўсмирлар ўртасида биринчи республика мусобақаси ўтказилаяпти. Залга барча вилоятларнинг командалари кириб келишади. Ўзбекистон гимни янграб, байроғи кўтарилди. Хотира турнири очиқ деб эълон қилинди...

Андижонда яна ҳаёт изига тушиб, бир маромда кечмоқда.

12 майдан 13 майга ўтар кечаси Андижон шаҳридаги пост-патрул хизмати ва ЖТСБ батальонига ҳужум қилинганлиги ҳақида хабар олинган заҳоти барча ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан, вилоят, шаҳар прокуратураси ходимлари оёққа туришди. Шаҳар прокурори тун ярмида хизмат машинасида ҳайдовчиси билан воқеа жойига етиб борди. Кейинроқ, дастлабки терговда гувоҳ, жабрланувчи ҳамда айбланувчиларнинг кўрсатувлари асосида ўша машъум тунда кечган воқеалар хронологик тартибда тикланди. Ғ.Абдураҳимовнинг машинасини фуқаро кийимидаги қуролланган террорчилар УЯ-64/Т-1-муассаса (қамоқхона) ёнида тўхтатишган. Мен шаҳар прокуроримиз деб ўзини таништирганида, «Ўз оёғинг билан келибсан, бизга сенларга ўхшаганлар керак эди» деб ушлашган. Прокурорнинг талабига кўра ҳайдовчини қўйиб юборишган. Машинани олиб қолишган. Бунга қадар террорчилар юк машинасида қамоқхона дарвозасини бузиб, ичкарига киришган. Муассасанинг қаршилик кўрсатган уч хизматчисини отиб ўлдиришган. Суд жараёни ниҳоясига етиб, ҳукм ўқилиши арафасида шу муассасада сақланаётган 23 нафар акромийлик оқимининг етакчи ва фаоллари ҳамда судгача ушлаб турилган ва судланиб жазосини ўтаётган 528 та маҳбусни камералардан чиқариб, сафларига қўшилишга ундашган, қурол тарқатишган. Шаҳар прокурори Ғ.Абдураҳимовни машинасида вилоят ҳокимияти биносига келтиришган. Террорчиларнинг бошқа бир гуруҳи бинони эгаллаб, остин-устун қилган эди. Прокурорни иккинчи қаватдаги хоналардан бирига олиб киришган. Ушбу хонага тунда ва эрталаб машинада ёки пиёда ишга бораётганида тўхтатилиб гаровга олинган йигирмага яқин турли идораларнинг раҳбарлари ва ходимларини олиб келиб, қўлларини боғлаб қўйишган.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

28 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг собиқ раҳбарлари, пост-патруль хизмати батальонининг масъул ходимлари ва Тошкент шаҳридаги УЯ 64/18 муассасасининг шифокорларига нисбатан жиноят ишини кўриб чиқиш якунланди.

Мазкур суд мажлисининг давлат сирлари билан боғлиқ қисми ёпиқ, қолгани очиқ ўтказилди. Суд жараёни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда Россиянинг «Новости», ИТАР-ТАСС ва «Интер-факс», Франциянинг «Франс-пресс» ва Туркиянинг «Жихан» ахборот маҳкамалари вакиллари томонидан кузатиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг матбуот хизматидан маълум қилинишича, суд жараёнида судланувчиларнинг хизматни ўташда совуқонлик, ҳокимият ҳаракатсизлиги, ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, порахўрлик каби жиноий ҳаракатларга йўл қўйганлиги жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертиза ва хизмат текшириши хулосалари, ёзма, ашёвий ва бошқа далиллар билан тўла тасдиқланиб, улар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди.

Олий суднинг ҳукмига кўра, Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Д.Оқмирзаев 2 йилу 6 ой, унинг ўринбосарлари Н.Мамадиев ва А.Якубовнинг ҳар бири 2 йил, вилоят ички ишлар бошқармаси пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг раҳбари Н.Иномов ҳамда пост-патруль хизмати батальони командирининг ўринбосари Ш.Собировнинг ҳар бири 3 йил, пост-патруль хизмати батальонининг командири А. Аҳмедов, унинг ўринбосарлари А.Давронов ва Б.Ҳамидов ҳамда батальон навбатчилик қисмининг катта инспектори Э.Қорахўжаевнинг ҳар бири 2 йил, Тошкент шаҳридаги УЯ 64/18 муассасасининг шифокорлари М.Сувонов 11 йил ва Б.Ҳақбердиев 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Пост-патруль хизмати батальони навбатчисининг ёрдамчиси Б.Шокировга эса 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинланди.

ЎзА.

Тошкент туманида яшовчи Ш.Шокиров қозоғистонлик номаълум шахслар билан тил бириктириб, айланма йўллар орқали Ўзбекистонга олиб келинган 6 млн. 205 минг сўмлик 28 тонна унни ноқонуний равишда сотаётганда ушланди.

«Ипотека банки»нинг Сирдарё туман Бахт бўлими бошлиғи Х.Қосимов валюта айрибошлаш шахобчаси хазиначиси Ш.Анорбоева ва назоратчи Л.Бакировалар билан ўзаро келишиб, 42.000 АҚШ долларини 6 нафар фуқаро номига расмийлаштириб ўзлаштиришгани аниқланди.

Ургут шаҳрининг Қоратепа кўчасида ҳаракатланаётган автомашина текширилганда, унинг салонида ҳеч қандай ҳужжатлари ва акциз маркалари бўлмаган 5 млн. 764 минг сўмлик 10480 қути тамаки маҳсулотлари ва 620 минг сўмлик 2480 дона пиротехника воситалари топилиб, далилий ашё сифатида олинди. Текширишда ушбу маҳсулотлар Г.Найманова ва С.Наимовага тегишлилиги аниқланган.

Sarhisob

Эзгу мақсад йўлида...

Якунланган йил мамлакатимиз тарихидан муносиб жой олди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини замон талаби даражасига кўтариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. «Сиҳат-саломатлик йили» дастурининг татбиқ этилиши юртдошларимизнинг ҳаётида ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди. Жамият, айниқса ёш авлод соғлом турмуш тарзининг афзалликларини тушуниб ета бошлади. Спорт, жисмоний тарбия каби саломатлик учун фойдали машғулотларнинг оммалашуви тезлашди.

Барча соҳалар қатори прокуратура идоралари, хусусан, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳам бу эзгу ишлардан четда қолгани йўқ. Республика Бош прокурорининг 2005 йил 2 февралдаги Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан прокуратура органларида амалга ошириладиган тадбирлар дастури ҳақидаги фармойишига асосан Тошкент шаҳар прокурорининг фармойиши қабул қилиниб, режа ишлаб чиқилган эди.

Унга кўра ўтган йилнинг 19 мартида шаҳар прокуратураси ходимлари ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди. Унда Сергели туман прокурорининг ўринбосари Р.Оганесян ғолиб чиқди.

Футболни миллионлар ўйини деб таърифлашади. Спортнинг бу турига қизиқувчилар ҳамма соҳа вакиллари орасидан ҳам хоҳлаганча топилади. Шунинг учун шаҳар ва туман прокуратуралари ходимлари ҳар ҳафтада уч марта футбол машғулотлари ўтказишлари учун шароит яратилди. Ходимлар орасидан кучлилари саралаб олиниб, мунтазам машғулот ўтказиб турувчи жамоалар тузилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Теннис ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Албатта, соғлом турмуш тарзининг шакланиши фақатгина спорт мусобақаларини ўтказиш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан прокуратура органларида амалга ошириладиган тадбирлар дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган режада ходимларни жисмоний тарбия машғулотларига жалб этиш, тиббий кўрикдан ўтказиб туриш, зарурат бўлганда сиҳатгоҳларда даволаниши учун шароит яратиб бериш каби масалалар кўзда тутилган.

Кашандалик, спиртли ичимликларга берилиш саломатликка жиддий хавф солувчи иллатлардандир. Шу боис ходимлар ўртасида зарарли одатлардан воз кечишга қаратилган тадбирларнинг ўтказилиши ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Мутахассислар, шифокорлар иштирокида бундай иллатларнинг зарари ва улардан воз кечишнинг афзалликларига бағишланган семинарлар ўтказилди.

Янги — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам бу каби эзгу ишлар давом этади.

Лола ШОМУРОДОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Nazorat

Жиззах ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтказилган текширишлар асосан гарнизон ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ҳарбий хизматчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган.

Интизом бор жойда...

Мазкур йўналишда 2005 йили бажарилган ишлар ўтган йиллар билан солиштирилганда, ижобий силжишлар кузатилди. Жумладан, қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида 46 та мансабдор расман огоҳлантирилган, 52 кишига нисбатан интизомий иш кўзғатилган. Ҳарбий қисм командирлари чиқарган 15 та ноқонуний буйруқ мавжудлиги аниқланиб, бекор қилинган. Қисм командирлари ва бошқа мансабдорлар томонидан 14 та жиноят содир этилганлиги аниқланган.

Кўрилган чоралар натижасида 156 киши интизомий ва моддий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, текширув жараёнида давлатга етказилган 8.180.000 сўмлик зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашган. Хусусан, қурилиши тугалланмаган Бахмал ўқув майдонидаги йўлларни «Рағбат» хусусий фирмаси қурган. Текширишда қурилиш ишлари сифатсиз бажарилганлиги аниқланди. Давлатга етказилган 5.031.000 сўмлик зарар фирмадан ундириб олинди.

Ўринбой МАНОПОВ,
Жиззах ҳарбий прокурори

СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Хатирчилик фуқаро К.Бердиев ўз уйида пахта ёғи ва кунжара ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил қилганлиги аниқланиб, ундан 2523 кг. чигит, 402 кг. кунжара, 90 кг. пахта ёғи, мойжувоз ускунаси далилий ашё сифатида олинган.

Беруний туманидаги Каратау «Алоқа бўлими» бўлим бошлиғи С.Батаев 2005 йил давомида 372 нафар пенсионерга тарқатилиши лозим бўлган 10 млн. 847 минг сўм пулни тарқатмай, ўзлаштирганлиги аниқланди.

Шаҳрихон тумани «Чўнтак» ҚФйда яшовчи М.Отажонова ўз уйида 1500 дона қалбаки акциз маркалар, қапқоқлар ва этикеткаларни харидор Д.Юсуповага 37,5 минг сўмга сотаётган вақтида ушланиб, ушбу воситалар, шунингдек, 3000 дона этикеткалар далилий ашё сифатида олинган.

Урганч шаҳар «Марказий деҳқон бозори» худудида ўтказилган тадбирда С.Отаев 29.000 Россия рублини фуқаро И.Рўзиевга 1 млн. 276 минг сўмга сотаётганида қўлга олинган.

Хўжайли туманида яшовчи Ғ.Асамаддинов ўз уйида пахта ёғи ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил қилганлиги аниқланди. Унинг уйидан 1020 кг. чигит, 27 литр пахта ёғи ва 30 кг. кунжара далилий ашё сифатида олинган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

O`tmishga xiyonat

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ер юзининг сайқали саналмиш Самарқанд қарийб 3000 йиллик тарихга эга. Бир неча бор ривожланиш йўлига тушган ушбу маскан милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар, 1220 йилга келиб Чингизхон қўшинлари томонидан харобага айлантирилган. Фақат 14-асрнинг охири ва 15-асрнинг бошларига келиб Самарқанднинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти юксалди.

Рудакий, Исмоил Бухорий, Мотурудий, Алишер Навоий, Бобур, Жомий, Улуғбек сингари алломаларнинг номи билан боғлиқ ушбу диёр айниқса Амир Темур салтанати даврида ривожланди. Соҳибқирон давридан ҳозиргача сақланиб қолган муҳташам обидалар — Регистон ва Шоҳизинда ансамбли, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Дониёр пайғамбар ғағанаси сингари кўплаб ноёб ёдгорликлар бугунги кунда ҳам тароватини йўқотгани йўқ.

Ҳар йили минглаб сайёҳлар томоша қилаётган ушбу қадамжолар давлат ҳимоясига олинган бўлиб, уларни таъмирлаш ва ободонлаштириш учун катта миқдорда маблағ сарфланаяпти. Афсуски, уларга кўра-била туриб зарар етказувчи кишилар ҳам учраб турибди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида яшовчи Ф.Ғафуров «Афросиёб» қалъаси археологик кўриқхонаси худудида ўзбошимчалик билан қурилиш ишларини олиб борган. У ғишт ишлаб чиқариш мақсадида ёдгорлик рўйхатига олинган ернинг маданий қатламларини нобуд қилиб, кўриқхонага 20.443.126 сўм миқдорида зарар етказган. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Яна бир ҳолат кишини ташвишга солади. Каттақўрғон шаҳрида жойлашган «Сарбозор» масжиди тарихий обида сифатида рўйхатга олинган. Вилоятнинг ёдгорликларни сақлаш давлат назорат инспекцияси томонидан мазкур масжидни маҳаллий бюджет ҳисобидан таъмирлаш Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигига топширилган бўлса-да, бу борада ҳеч иш қилинмаган. Натижада масжид бузилиб, давлатга 1.235.278.500 сўмлик зарар етказилган.

Вилоят бўйича 14 та тарихий-маданий ёдгорлик қулаш ҳолатига келиб қолган бўлса-да, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ушбу объектларни таъмирлаш бўйича бирор-бир чора кўрилгани йўқ.

Вилоят божхона бошқармаси томонидан 2004 йилда 19 марта, 2005 йилнинг ўтган даврида эса 8 марта ноёб маданий ёдгорликларни мамлакатдан олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолати аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

Миллатимизнинг фахри бўлган меъморий обидаларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлайлик. Улар авлодларга бутунлигича етказилиши лозим.

Эркин РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Qonunni buzdingmi?

Йўл-йўлакай кетаётиб одамларнинг гурунгини эшитиб қолдик:
— Эшитдингизми? Хивада нур ўғрилари ҳам бор экан.
— Прометейнинг авлодларидан бўлмасин тағин.
— Кизикмисиз, алмисоқдаги Прометейдан авлод қолибдими?!
Қолаверса, ўша сиз айтаётган Прометей халқ учун олов ўғирлаб келтирган. Мен айтаётган каззоблар эса халқ учун эмас, ўз нафси учун нур ўғирлайдиганлар хилидан экан.
— Ҳовва! Шундай денг!

Нур ва олов ўғрилари

Дарҳақиқат, Хива туманида умумхалқ эҳтиёжи учун сув ва ҳаводай зарур бўлган электр энергиясидан ўғринча фойдаланаётган фуқаролар ҳам мавжудлиги туман прокуратураси ўтказган текширишда аниқланди. Ана шундайлардан бири «Беруний-Журён» машина-трактор парки ҳудудида жойлашган «Маҳмудов» фермер хўжалиги раҳбари Қ.Ёқубов десак хато қилмаймиз. У фермер хўжалигига қарашли бинода электр ҳисоблагич ўрнатмасдан, ҳеч қандай ҳужжатсиз электр энергиясидан фойдаланиб келаётган экан. Оқибатда туман электр тармоқлари корхонасига 77.227 сўмлик зарар етказилган. Текширув жараёнида ушбу зарарни Қ.Ёқубов ихтиёрий равишда тўлади. Шунингдек, Бозорбой Абдуллаевнинг тумандаги Р.Мадаминов номли ММТП ҳудудида жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасида ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолат ҳукм сураётгани маълум бўлди. У ўзбошимчалик билан 3 фазали электр энергиясидан рухсатсиз фойдаланиб, электр тармоқлари корхонасига 61.254 сўмлик зарар етказган. Б.Абдуллаевдан заарни ундириш учун «Электр тармоқлари» корхонаси судга даъво аризаси киритди.

«Огаҳий» номли ММТП ҳудудидаги «Санжарбек» фермер хўжалигида текширув ўтказилганида эса хўжалик раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиб келаётганлиги ошкор бўлди. Раҳимбой ака хўжалик биносига газ ҳисоблагич ўрнатмасдан, «Хивагаз» идорасидан рухсат олмасдан газ ўтказиб, 116.250 сўмлик зарар етказган.

«Матғафур» фермер хўжалиги раҳбари Болтабой Болтаев ҳам шу тарзда «Хивагаз» идорасига 117.369 сўмлик зарар етказган.

Текин еган тутилмай қолмас дейдилар. Қонунбузарлар албатта жазосини олади.

Раҳматжон ҲУСАИНОВ,
Хива туман прокурори

Har kimki jafo qilsa...

Сартарошхонадаги безорилик

«Чорсу» бозори одатдагидай гавжум. Бозор биқинидаги автошоҳбекатда шериклари Расул ва Абдулазизни топган Аъзам пешинги кўнгилхираликларни эсидан чиқаргандай бўлди. Камини пивохўрлик билан чиқармоқчи бўлиб, улфатларни пивохонага судради. Расул кўнмади, сартарошхонага боришини баҳона қилди. «Сартарошхонадаям пивохўрлик қилаверамиз». Расулнинг сочи қирқилиши баҳонасида бошланган пивохўрлик кўп чўзилмади.

Сартарошхонага кириб келган икки йигитдан бирининг соч тарашига ғаши келган Аъзам баҳона қидира бошлади. Жанжал қиламан деганга баҳона кўп. Қолаверса, Дилшод ҳам ундан қолишмайдиган тоифадан экан.

— Сигарет борми?

— Чекмайман!

— Унда қўлингдаги нима?

— Сенинг нима ишинг бор?

Расул аралашди. У энди сигарет сўраб ўтирмади.

— Пулдан борми?

— Тушунмадим!

Аъзам «Юр, тушунтириб қўяман» деб уни четга тортди. Муштлашув бошланди. Дилшод жаҳи остидаги оғриқдан чўккалаб қолди. Қўлига қараса қон. Нарироқда саросимада турган жиянига бақирди: «Фарҳод, югур, дадамни чақир». Расул шартта бориб эшикни ичкаридан ёпди. «Дилшоднинг бўйнига хулиганлар «писка» тортиб юборибди» деганча Фарҳоднинг орқасидан сартарошхонага югурди. Ота қонга бўялиб ўтирган ўғлига отилди. Жароҳати у қадар жиддий эмаслигини кўриб, бироз ўзига келди чоғи, «Ким? Ким уни бу аҳволга солди?» дея Аъзамга ташланди...

Олдин ҳам содир этган жинояти учун судланиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган икки ошна — Аъзам ва Расул яна бир марта суд олдида жавоб беришига тўғри келди.

Айни кучга тўлган йигитларнинг бирор фойдали иш билан шуғулланиш ўрнига жиноят кўчасида тентираб юришига ким айбдор?

Аввало, уларнинг ўзлари айбдор. Қолаверса, шу йигитларни тергайдиган ота-онаси, қариндош-уруғлари бор эди-ку!? Суд йигитларни узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилгач, афсус-надоматдан не наф?

С.МУХТОРОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурорининг ўринбосари

Кенгфиллилик, бағрикенглик, инсонпарварлик

Қоқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш миллатимизга хос бағрикенглик нишонасидир. Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу олижаноблигининг яққол намунаси бўлди.

Бу ерда мамлакатимизнинг турли жойларидан келган маҳкумларнинг қавм-қариндошлари билан ҳам суҳбатлашдик. Суҳбат давомида амнистия тўғрисидаги қарор кўплаб оилаларга қувонч олиб кирганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вақтли матбуот ходимлари иштирокида ташкил этилган кузатув тантаналаридан сўнг маҳкумлар махсус транспортларда уйларигача кузатиб қўйилди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Huquq» мухбири

Оиласи бағрига қайтишди

Инсон ҳаётининг мезони адолат бўлмоғи лозим. Мана шундай боқий анъаналар асосида қабул қилинган амнистия нафақат ҳаётда адашган маҳкумлар, балки уларнинг оила аъзолари ва яқинлари кўнглига илиқлик олиб кирди. Навоий вилоят ИИБ тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлганимизда, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Ботир Норов, Навоий вилояти қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этиш устидан назорат прокурори:

– Амнистия тўғрисидаги қарор ва унинг қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом қўлимизга теккан куниёқ вилоят ИИБнинг жазони ижро этиш бўлими бошлиғи Адиз Мардонов билан боғланиб, бу борада амалга ошириладиган ишларни келишиб олдик. Бугун қанча маҳкумга, қайси тартибда амнистия қўлланилиши аниқ белгилаб олинган.

Комилжон Қурбонов, вилоят ИИБ 29-муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:

– Беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳаёт сўқмоқлари ҳам доимо равон бўлавермайди. Жиноятнинг қай тарзда содир этилганидан қатъи назар, тутқинликда ўтган умрнинг ҳар лаҳзаси поёнсиздек туюлса керак. Амнистия эълон қилинган кун байрамга айланиб кетди. Кун бўйи низомда белгиланган шартлар ҳақида сўраб-суриштириб, кўнгилларда осойиш ҳосил бўлгач, маҳкумлар дам олиш соатида шинамгина клубимизга йиғилишди. Куй-қўшиқларга рақсга тушишиб, бир-бирларини қутладилар.

Жаҳонгир Абдуқодиров, маҳкум:

– Отамнинг қўллаб-қувватлашлари билан уринмай-суринмай ишга кирдим. Ошиғим олчи эди. Шундай бўлса-да, тезроқ бойлик орттириш учун қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб бўлса ҳам, манфаат кўришга қизиқиб кетибман. «Тинмасанг-тинарсан» деганлари энди билсам шу экан. Буни қандай тушунасизлар билмадим-у, аммо, тутқунликка тушганимдан ачинмайман. Чунки бу ерда кўзим очилди, эс-ҳушимни йиғиб олдим. Насиб бўлса, бугун оилам бағрига қайтиб борсам, ота-онам, хотиним олдида виждонимни поклаб олишга интиламан. Ўғлим Бекжаҳон менга жуда ўхшармиш. Лекин унинг ҳаёт йўли равон бўлиши учун ҳалол луқма бериб боқишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Бахтиғали Айжонов, маҳкум:

– Укамнинг ўғлига Хўжайлидан келин қилган эдик. Қуда-андачилик, борди-келди дегандай... Бир куни қуда томондан бир аёл келиб «героин деган дорини топиб бўладими?» дея қайта-қайта суриштириб қолди. Ўша отинг ўчкурни 79 йил яшаб номини ҳам эшитмаган эканман. Жуда зарур экан-да, деб сўраб-суриштира бошладик. Ахийри топдим. Топдиму, оғу билан бирга кексайган чоғимда шунча ташвишни ҳам орттириб олдим.

Мен тутқинлик камерасида эмас, фарзанду набираларнинг дуосини қилиб ўтиришим лозим эди (йиғлайди).

Абдусалом Ҳамидов, маҳкум:

– Андижоннинг Балиқчи туманиданман. Оилада 5 фарзанднинг каттаси эдим. Ҳар қалай, ёмон яшамасдик. Нима жин урдию, бир ҳамқишлоғимнинг уйига ўғирликка кирдик. 2 йил «ўтирган» бўлсам, ота-онам, укаларим, ҳеч ким ортимдан сўраб келмади. Афтидан улар мендан жуда ранжишганга ўхшайди.

Ражаб Исаев, маҳкум:

– Тошкентда, Чилонзорда яшаймиз. Хотиним яхшигина вазифада ишлайди. Қизим молия институтида ўқийди. Уста бўлганим учун топиш-тутишим ёмон эмас эди. Аммо, шу ичкилик қурғур доим баракамни учириб юради.

Қўшнимиз бизникига келди, ебичиб, жанжаллашиб қолдик. Қўлимга ошхона пичоғини олиб, улфатимга ҳамла қилибман. Ароқ нафақат соғлиғимни, балки ҳаётимни ҳам адо қилди.

Мазмунахон Зоҳидова:

– Кеча Қўқондан келгандим. Турмуш ўртоғимнинг амнистияга тушганини эшитиб қолдим. Мана бугун бирга уйга қайтиш тараддудидамиз. Бу ерда маҳкумлар, ҳатто уларнинг яқинларига шунчалик илтифотлар кўрсатилаётганини кўриб кўнглим кўтарилди.

Ҳақ йўлга ўтиш имконияти

Фарғона вилоят прокуратураси органлари Конституция қабул қилинганининг 13 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарор ижроси юзасидан доимий назорат олиб бормоқда. Ўтган даврда вилоят судлари, прокуратура органлари, МХХ, ички ишлар органларининг тергови, вилоятдаги хибсхоналар, СВОЖҚК бошқармаси томонидан 2804 нафар шахсга нисбатан татбиқ этилди. Уларнинг 2490 нафари жазони ўташдан озод этилди. 386 нафар маҳкумга нисбатан тайинланган жазо муддати қисқартирилди. Шу билан бирга қарорни қўллашда қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Хусусан, Фурқат туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими «Расулов Аюбхон» фирмаси раҳбари А.Ҳайитовга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатган. Ушбу қарор вилоят прокуратураси томонидан бекор қилиниб, жиноят иши терговга қайтарилди. Судларда 3 та жиноят иши юзасидан қарор нотўғри қўлланган. Жумладан, жиноят ишлари бўйича вилоят суди ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбдор деб топилган А.Поповга 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаб, амнистия қарорига биноан жазо муддатини тўртдан бир қисмга қисқартирган. Ушбу ҳукмни чиқариш чоғида А.Поповнинг илгари содир этган жинояти учун амнистия қўлланиб, жазодан озод этилгани эътиборсиз қолдирилган. Апелляция судлов ҳайъатининг ажримига кўра, келтирилган протест қаноатлантирилиб, ҳукмнинг А.Поповга нисбатан амнистия қарорини қўллаш қисми бекор қилинди.

Айрим ҳолларда жазодан озод этилганларнинг иш жойларига хабарнома юборилмаган, баъзи маҳкумларнинг йиғма жилдларида муқаддам судланганлиги, амнистия қўлланган ёки қўлланмагани текширилмай, вилоят ИИБ «Ахборот маркази»дан маълумотлар олинмасдан қарор татбиқ этилгани каби хато ва камчиликлар бартараф этилди. Жазони ўташдан озод этилганлар ижтимоий қўникма марказларининг йўлланмаси билан тиббий кўрикдан ўтказилиб, беморлар касалхоналарга ётқизилди. Иш сўраб мурожаат қилганлар квотали иш ўринларига жойлаштирилди.

Шу билан бирга собиқ маҳкумларни ижтимоий ҳимояси учун ажратилган маблағларни ўзлаштирган масъул шахслар жавобгарликка тортилди. Хусусан, Риштон тумани ижтимоий қўникма маркази бошлиғи У.Қурбонов 1 миллион 360 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам пулларини шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди.

Н.ШЕРМАТОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Собиқ маҳкумлар учун меҳнат ярмаркаси

Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда вилоятда амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан 474 нафар шахс озод этилиши кутилмоқда. Шулардан 16 нафари аёллардир.

Шу йилнинг 23 декабригача суд залидан 12 нафар шахс озод қилинди. Уларнинг 5 нафари хотин-қизлардир. Терговдан озод қилинган 4 нафар шахснинг 1 нафари аёл кишидир.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекцияларида жазо ўтаётган 699 нафар шахсга нисбатан амнистия қўлланиб, шулардан 549 нафари жазодан озод этилади.

Қарорнинг 7-моддасида амнистия жазо ўташ тартибини мунтазам бузаётган шахсларга, таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилинганлиги учун ҳукм қилинганларга шунингдек, муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этганларга татбиқ этилмаслиги кўзда тутилган. Дарҳақиқат, айни кунларда ушбу қарор ижроси бўйича жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахслар билан вилоят ҳуқуқ-тартибот органларининг масъул ходимлари, маҳаллий ҳокимликлар, ижтимоий қўникма маркази ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари мулоқот ўтказиб, уларнинг турмуш тарзи рисоладагидек давом этиши учун шароит яратишга кўмаклашмоқда.

Бундай шахсларнинг қайта жиноят содир қилмасликлари учун улар оталиқ ташкилотларга ёки маҳалла оқсоқолларига бириктирилиб, доимий назорат олиб бориш йўлга қўйилган. Бўш иш ўринлари ажратиб бериш мақсадида жорий йилнинг 20 декабрида вилоят марказида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

С.НУРМЕТОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Халқ нафрати — энг олий жазо

Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,
Андижон вилоят прокурори

(Давоми. Боши 1-бетда).

Террорчи тўдалардан бири тунда вилоят МХХ биносини ўраб олиб, ўққа тутган. Қаттиқ қаршиликка учраганидан кейин вилоят ҳокимияти биносига бориб иккинчи тўдага қўшилган.

2005 йил 25 март кунги «Рангли инқилоб»дан кейин Қирғизистоннинг Ўш вилоятида вақтинча ҳокимиятсизлик ҳукм сураётганидан фойдаланган экстремистлар Андижондаги акромийлар билан мунтазам алоқада бўлиб, судланаётган йўлбошчилари айбдор деб топилиб, ҳукм чиқарилган чоғда, суд биносига ҳужум уюштириб, уларни олиб чиқиб кетишга тайёргарлик кўришган. Акромийларнинг М.Собиров, Ф.Ҳамидов каби етакчилари ўшлик А.Мамадалиев орқали Қирғизистондан пистолет, автомат ва бошқа аслаҳаларни сотиб олиб, яширинча Андижонга олиб ўтишган. Ўшнинг Тэкэ қишлоғи яқинидаги қаровсиз полигонда ўшлик ва Ўзбекистондан борган жангарилар қурол-яроғлардан фойдаланиш бўйича машғулотлар ўтказишган. Уларга чеченистонлик Мамед исмли киши портловчи қурилмалардан фойдаланиш бўйича сабоқ берган. Юқоридагидай машқлар Ўш шаҳридаги стадионда ҳам ўтказилган. 12 майдан 13 майга ўтар кечаси аввалдан тузилган режага мувофиқ юзга яқин қуролланган кишилар сўқмоқ йўллардан чегарани кесиб ўтишган. «Дўстлик» божхона постида соқчиликда турган икки чегарачини қуролсизлантириб, «Москвич» машиналарини тортиб олиб, ўзларини тутқун тарзида Андижонга олиб кетишган. 13 май куни эрталаб вилоят ҳокимияти биносида акромийларнинг қуролли тўдасига қўшилишган. «Ҳизбут-таҳрир» таълимоти таъсирида «Иймонга йўл» номли қўлланма ёзиб, ҳужраларда ёшларга таълим берган андижонлик Акрам Йўлдошев шариат қонунларига асосланган халифалик давлатини қуриш учун конституцион тузумни ағдариб ташлашга даъват қилгани туфайли жиноий жавобгарликка тортилган, судланиб жазони ўтаётган эди. Унинг шогирдлари савдо, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилишган, ушбу корхоналарга ўз сафига қўшилиш шарти билан фуқароларни ишга олиб, «Иймонга йўл» қўлланмасидан сабоқ беришган, қурол-яроқ учун маблағ йиғишганди. 2005 йил феврал ойида 23 нафар акромий ғайриқонуний диний оқим раҳбарлари ва фаол аъзолари устидан қўзғатилган жиноят иши судда кўрила бошланди. Суд жараёнида аввалига судланувчиларнинг яқинлари, қариндошлари, кейин уларнинг корхоналарида ишлаб турган фуқароларни мажбурлаб келтириб, суд биноси атрофида пикет уюштиришга киришишди. Йил бошида қамоқхонадаги Акрам Йўлдошевнинг буйруғи билан умумруҳий масъул этиб тайинланган Қ.Парпиев ва унинг М.Собиров, И.Ҳожиев каби шериклари ушбу суд жараёнига мамлакатимизда фаолият юритаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг бўлимлари, хорижий давлатларнинг элчихоналари, ОАВнинг эътиборини тортишди. Андижонда очган норасмий «Апелляция» ташкилотида ўзидан бошқа ҳеч ким «иш кўрмайдиган» С.Зайлобиддинов суд жараёнида расман ҳимоячи сифатида қатнашмаса-да, интернетда чиқарган мақолалари, хорижий мухбирларга берган интервюлари орқали судланувчилар ноҳақ судланаётгани, акромийлар оқими умуман йўқлиги тўғрисида жар солишга киришди. Унга жўр бўлган «Би-би-си» мухбири М.Азаматова эса фожеали воқеалар арафасида эълон қилинган мақоласида ақидапараст босқинчи тўда хуружи бошланишини башорат қилди. Тергов мобайнида аниқланган Қ.Парпиев ва жиноий тўданинг бошқа етакчилари уяли телефонда Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ин қурган хўжайинларининг йўл-йўриқларини олиб туришганига оид далиллар, айбланувчиларнинг кўрсатмаларидаги ҳолатлар қуролли тажовуз чет элдаги «марказ»лар томонидан уюштирилгани ҳамда бошқариб турилганидан далолат беради. Уларнинг режаси бўйича юртимизда худди 1990 йилларнинг бошида Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрининг марказий майдонида бир гуруҳ шахсларнинг пикетлари ҳокимият идораларининг ҳаракатсизлиги туфайли оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариб, биродаркушлик урушига айланганини ёки Қирғизистонда 2005 йил март ойида юз берган «рангли инқилоб» каби ҳолатлар такрорланиши керак эди. Қамоқхонадаги йўлбошчиси А.Йўлдошевнинг фатвоси билан 12 дан 13 майга ўтар кечаси экстремистлар Андижон шаҳрида хунрезликни бошлади. Дунё ҳамжамиятига хатти-ҳаракатларини норозилик намойиши тарзида кўрсатиш мақсадида марказий майдонга қариндошларини, яқин атрофдаги кўчаларда яшайдиган фуқароларни тўплашди. Уларнинг панасида туриб 13 май куни эрталаб етиб келган ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари минглаб жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилдилар. Жиноятга алоқадорларни аниқлаш учун кенг кўламли суриштирув-қидирув ишларини олиб бордилар, қуролли қаршилик кўрсатиш хавфи остида қочиб яширинган жиноятчиларни турли вилоят, шаҳар ва қишлоқлардан тутиб келтирдилар. Юзлаб ҳолатлар бўйича алоҳида тиббий, трассологик, кимёвий ва бошқа экспертизаларни ўтказишди. Хунрезликда бевосита қатнашиб юртимизда ҳамда Қирғизистонда яширинган 120 га яқин жиноятчини ҳибсга олиб, содир этилган ўта оғир жиноятларнинг тафсилотларига аниқлик киритишди. Айни чоғда террорчиларнинг мажбурлаши оқибатида ёки билмасдан уларга қўшилиб қолган ўнлаб фуқароларнинг жиноятга алоқаси йўқлигини аниқлаш учун жуда катта куч-ғайрат сарфлашди. Улар айни чоғда оилаларининг бағрида тинч-тотув турмуш кечиришаяпти. Жиноий гуруҳ таркибида ўта оғир жиноятларни содир этган террорчиларнинг тергови ниҳоясига етмоқда. Ўзбекистон Олий судида Андижондаги хунрезликни уюштирган 15 нафар акромий устидан ҳукм ўқилди.

Ҳаётнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаган ҳолда ўтказилаётган ислоҳотларга андижонликларнинг хайрихоҳ муносабати юртимизда барқарор вазиятни издан чиқариш йўлидаги уринишларни йўққа чиқарди.

Туғилиб ўсган тумани — жалолқудуқликларнинг таклифлари инобатга олиниб, тумандаги Охунбобоев шаҳарчаси кўчаларидан бири сўнгги дақиқагача хизмат қилган ходиқ қолган ҳамкасбимиз — Андижон шаҳар прокурори Ғанижон Абдураҳимов номи билан аталди. Унинг хотирасига бағишланган шарқона яккакураш бўйича ўсмирлар мусобақаси ҳар йили мунтазам ўтказиб борилади.

Ер эгаси эртага ким бўлади?

...Биз зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш борасида яқинда қабул қилинган, 2005-2007 йилларда 1100 та, жумладан, бу йил 406 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш вазифаси белгиланган янги дастур ижросини қатъий назоратга олишимиз даркор.

Бу масалада ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳимдир. Бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан

Фирромнинг иши хом

Тажриба ширкат хўжаликларига нисбатан фермер хўжаликлари юқори иктисодий натижаларга эришаётгани, манфаатдорлик туфайли ерларнинг унумдорлиги, ҳосилдорликни ошириш йўлида тинимсиз изланиб ишлаётганини кўрсатаяпти. Бироқ «адашиб» фермер бўлиб қолган, имтиёз ва ҳуқуқлардан тўкис фойдаланган ҳолда жамият олдидаги мажбуриятларни унутиб қўяётганлар ҳам учраяпти.

Бунга Чуринди қишлоғилик Расулжон Юнусовни мисол келтириш мумкин. Унинг 2003 йилнинг баҳорида Бағдод туман ҳокимининг қарорига асосан ташкил қилган «Ҳаким ота боғи» номли фермер хўжалигига собиқ «Ҳамзаобод» ширкат хўжалигидан 31 гектар ер ажратиб берилди. Шундан 29 гектарида қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш кўзда тутилган эди. 12 гектарда ғалла, 12 гектарида пахта етиштириш режага киритилди. Бироқ Р.Юнусов кўрсатилган ерга ғалла экмади. Шунинг учун туман ҳокимлиги қарорига кўра 12 эмас 22 гектар ерга чигит экиб, пахта етиштириши лозим эди. Шартномага мувофиқ фермерга пахта етиштириши учун йил бошида аванс тариқасида 867 килограмм уруғлик чигит, 2900 килограмм селитра ҳамда 9500 килограмм суперфосфат ўғити, 2567 литр ёқилғи етказиб берилди. Иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун «Ғаллабанк»нинг Бағдод туманидаги минибанки орқали 1.152.000 сўм имтиёзли кредит ҳисоб рақамига ўтказилди. Чигит экиш, ғўзани агротехника талабларига мувофиқ парваришлаш учун барча шароит муҳайё, фақат ишни тўғри ташкил қилиш керак эди, холос.

Бироқ, фермер ғирромлик йўлига ўтди. Баҳорда 22 гектар ўрнига фақат 12 гектарга чигит экди, холос. Ҳисоботларда эса 22 гектарга экилди деб сохта маълумотлар киритди. Қолган ерга ҳеч нарса экилмади. Чигит униб чиқмаган, парвариш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Май ойида мутахассислар ғўза бир текис униб чиқмагани, кўчатлар сийраклиги, бегона ўт босгани, ўғит солиниб, суғорилмагани тўғрисида далолатнома тузиб, огоҳлантиришди. Бироқ Р.Юнусов шундан кейин ҳам тегишли хулоса чиқармади. Оқибатда шартномани бажармади.

Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, терговда аниқланишича, аванс тариқасида олган минерал ўғит ва ёқилғини сотиб юбориб, пулини ўз эҳтиёжига ишлатган экан. Минибанк ажратган имтиёзли кредитни эса ўтган йиллардаги қарзлари учун ўтказиб берган. Натижада давлатга 11.143.000 сўм зарар етказган «Ҳаким ота боғи» фермер хўжалиги раҳбари Р.Юнусов тегишли жазога тортилди.

М.ФОЗИЛОВ,
Бағдод туман прокурори

Янгиариқ туман прокуратураси Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан назорат ишлари олиб борилмоқда. Мазкур туманда ўтган йилнинг 1 ноябригача 1652 та микрофирма, 1063 та фермер хўжалиги ва 136 та деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатган. Аммо уларнинг эмин-эркин иш олиб боришига халақит берувчилар ҳам учраб турибди.

Ўзбошимчаликка чек қўйилди

Ўтган йилда 12 киши фермер ва ёрдамчи хўжаликларга тегишли бўлган 6,23 гектар ердан ноқонуний фойдаланиб келганлиги маълум бўлди. Хўжасизларча эгаллаб олинган ерлар туман прокуратураси аралашгач, фермер хўжаликларига қайтарилди. Тумандаги «Тоир-Шомурод» фермер хўжалиги раҳбари О.Тоиров ер билан «тиллашадиган» миришкорлардан саналади. Бироқ кутилмаганда туман ҳокими қарори билан фермер хўжалигига ажратилган 0,69 гектар ер фуқаролар Х.Каримов, Ш.Матмуродов ва бошқалар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинади. Пировардида О.Тоиров ерни қайтариб олиш ҳақида «Оқмачит» муқобил машина-трактор парки раиси М.Худойберганов ва ер тузувчи Ж.Рўзметовларга ариза билан мурожаат қилади. Аммо улар ҳам фермерга амалий ёрдам беришмайди. Фақат туман прокуратурасининг аралашуви билан ҳақиқат қарор топди. Текширишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида ММТП раис М.Худойберганов номига тақдимнома киритилди. Ер тузувчи Ж.Рўзметовга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилди. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер фермер хўжалигига қайтарилди.

Яқинда «Гулланбоғ» қишлоғидаги «Рустам Каримов» фермер хўжалиги раҳбари Р.Авезова туман прокуратурасига мурожаат қилиб, шу қишлоқда яшовчи фуқаро З.Нурметова ва Ш.Жуманиёзовлар томонидан унга тегишли бўлган 0,16 гектар ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлигини маълум қилди.

Фермер хўжалигига 0,16 га ер тўлалигича қайтарилишига эришилди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими О.Бекчанов номига тақдимнома киритилди. ММТП раиси Ф.Машарипов маъмурий, ер тузувчи Ю.Каримов интизомий жавобгарликка тортилди.

Баҳодир САРДОРОВ,
Янгиариқ туман прокурори

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ФЕРМЕР

Ҳайит Сатторовни нишонликлар яхши билишади. Негаки, у сўзида ҳам, ишида ҳам мард, ўткир киши. Тиниб-тинчимас, нуқул дала кезади. Мўл ҳосил олишнинг ғамида юради.

Айни чоғда Ҳайит ака тумандаги «Ҳайит Сатторов» фермер хўжалигига етакчилик қилмоқда. Мавжуд 15 гектар ернинг 10 гектарида ғўза, 5 гектарида эса ғаллачилик билан шуғулланади. У иш билан бирга жамоасининг тилини, дилини топишга ҳаракат қилади. Чунки, уларнинг меҳнатга хайрихоҳлиги фермерга жон бағишлайди.

Ўтган йилда жамоанинг астойдил қилган меҳнати яхши самара берди. Фермер пахтанинг ҳар гектаридан 23,5 центнер ўрнига 34,5 центнер ҳосил олиб, беш миллион сўм соф даромад қилди.

Айни қиш фасли бўлса-да, Ҳайит ака дала кезишни қўймайди. Имкон излашга, юқори ҳосил олинжида ҳаракат қилишга ошиқади. Фермернинг келгуси режалари янада улкан.

Суратда: фермер Ҳайит Сатторов.
Ш.ШАРОПОВ олган сурат.

ЕРНИНГ ЭГАСИ БОР

Ердан унумли фойдаланиш, уни ҳақиқий эгаларига топшириш фақат бугуннинг гапи эмас. Уни талон-торож қилиш эса жиноятдир.

Ҳуқуқбузар Турсун Қаршиев Пойариқ туманидаги «Нигора Кўбаева» фермер хўжалигига қарашли 70 сотих ерга ўзбошимчалик билан буғдой экиб, ўриб оларди. Фермернинг оҳ-у зорига қарамай айтганини қиларди. Аммо, охири гап қозихонагача борадиган бўлди. Маълум бўлишича, Турсун Қаршиев тумандаги «Тинч соҳил» фермер хўжалигига қарашли 4,3 кв. метр теракзор, 0,75 сотих ерни ҳам ўзиники қилиб олиб, фойдаланиб келган экан. Т.Қаршиевнинг судда таъкидлашича, собиқ «Деҳқонобод-2» ширкат хўжалиги раиси Қурокбой Қаршиевдан бу ерларни фойдаланиш учун сотиб олган экан. Аммо унинг қўлида бирорта ҳужжат йўққи, мазкур ерларга эгалик ҳуқуқини тасдиқласа.

Жиноят ишлари бўйича Пойариқ туман судининг очиқ мажлисида Т.Қаршиев МЖТКнинг 200-моддаси билан айбланиб, жарима солинди. Энг асосийси, ўзбошимчалик барҳам топиб, ерлар эгаларига қайтариб берилди.

Шуҳрат МАННОПОВ,
Пойариқ туман прокурорининг ёрдамчиси

Жарима ундирилди

Қизилтепа туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими томонидан «Маликработ-2003» фермер хўжалигининг иш фаолияти ўрганилганда, хўжалик мансабдорлари 2003-2004 йилларда 1 млрд. 72 млн. 325 минг сўмдан ортиқ товар айланмаларини амалга ошириб, солиқ идорасига топширган ҳисоботларда 508 млн. 394 минг сўмлик товар айланмаларини кўрсатмаган. Қолаверса, йўл фондига 1 фоизлик мажбурий ажратмадан 5083.9 минг сўм, пенсия жамғармасига 0,7 фоизлик мажбурий тўловдан 3558.7 минг сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўламаганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, Қизилтепа туман ҳокимлиги мансабдорлари «Маликработ-2003» фермер хўжалиги мансабдорлари билан тил бириктириб, хўжаликнинг ҳисоб рақамида устав жамғармасини шакллантириш учун пул мавжудлигини ўрганмай, унга улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи рухсатмани бериб юборишган.

Ушбу ҳолат юзасидан фермер хўжалиги мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суднинг қарори билан 326,5 минг сўм жарима қўлланилди.

Отабек ҲАМРОЕВ,
Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси катта инспектори

Mavzuga qaytib...

«Тинч бўлмаган қўшнилар»

«Huquq», 2005 йил 18 май, 20-сон

Суд ўз ишини якунлади. Бу гал айнан шу суд томонидан авваргисига зид қарор қабул қилинди. Шунинг учун ҳам кўпчилик енгил тин олди. Шундагина бир лаҳзалик адолат нима учун қирқ йиллик ибодатга тенгалштирилганини тушунгандек бўлдим. Зотан, ҳақиқатнинг тагига етиш нечоғли машаққат эканлиги яна бир бор исботланди.

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг 2005 йил 18 май кунги 20-сонида «Тинч бўлмаган қўшнилар» номли мақола эълон қилинганди. Унда Юқоричирчиқ тумани «Наврўз» маҳалласида яшовчи Азамат Исоқов ва Исломбек Мирзакаримовлар ўртасида 12 сотих ер кимга тааллуқлилиги ҳақида жанжал чиққанлиги маълум қилинганди. Азамат Исоқов ушбу участкага қўйилган пойдеворни булдозер билан суриб ташлаган, хом ғиштлар сувда эритиб юборилган, натижада Мирзакаримовлар оиласига моддий зарар етказилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди биносига яқинлашар эканмиз, Ботир Мирзакаримов куюниб гапириб борарди:

— Бировга қарашли пойдевор бузиб ташланса, ғиштлар қасддан йўқ қилиб юборилса-ю, суд унга ҳеч қандай чора кўрмаса адолатнинг борлигига ишонмай қоларкансан киши. Зўравонлик қилган шахсга рағбат эмасми бу? Шундай қарор чиқарган судга қойил қолмадим.

Ботир аканинг гапида жон бор эди. Бу можародан хабари бор инсон сифатида хаёлим ишнинг шу вақтгача бўлган ҳолатига қайтди. Аввал ҳам фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирчиқ туманлараро суди судья А.Комилов раислигида 2005 йил 11 феврал куни ушбу ишни кўрган, «Юқоричирчиқ тумани ҳокимияти Исломбек Мирзакаримовга «Исоқ деҳқон бобо» фермер хўжалиги ҳудудидан уй қуриш учун ер ажратганлиги нотўғри бўлганлиги» ҳақида хулосага келинганди. Шу хулоса асосида ҳал қилув қарори чиқарилган. Унга кўра Юқоричирчиқ тумани ҳокимининг И.Мирзакаримовга уй қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги қарори бекор қилинган, туман ҳокимлигидан А.Исоқовга 500.000 сўм, И.Мирзакаримовга 666.000 сўм ундириш белгиланганди. Бу қарордан жуда кўпчилик ҳақли равишда ажабланган, «қарнайчининг ўрнига сурнайчи» жавобгар бўлиб кетганлигини таъкидлаганди. Тўғри-да, уйнинг пойдеворини кимдир бузган бўлса, нега бунинг учун ҳоким товон тўлаши лозим? «Ҳам салом бер, ҳам товон бер» деганлари шу бўлса керак, эҳтимол. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди кассация инстанциясининг 2005 йил 15 апрелдаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг туман ҳокимлигидан ҳар иккала томонга етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қисми бекор қилинган. Ер эса аслида А.Исоқовнинг фермер хўжалигига тегишли деб тан олинган. Бу ажрим кўпчиликнинг ҳафсаласини пир қилганди. Жайдари тил билан айтганда, уйининг пойдевори бузилган, ер участкасидан ажраган Мирзакаримовлар жабрланувчи эмас, бировнинг ерига уй қуриб олган зўравонга чиқиб қолган эди. Шундан кейин газетамизда шу ҳақда мақола эълон қилинганди. Исломбек Мирзакаримовнинг онаси Ҳурматой Улуғбоева адвокат Тўтиёхон Султоновнинг ёрдами билан Ўзбекистон Олий судига назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилганди. Ва ниҳоят Олий суд бу ишга қонуний баҳо бериб, ишни қайтадан кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судига протест киритди. Олий суд бир қанча ҳужжатларни қонуний деб топганлиги учун ҳам шу қарорга келган.

Биринчидан, И.Мирзакаримовга ер ажратиб бериш тўғрисида «Усмон Юсупов» жамоа корхонасининг 1999 йил 20 февралда, «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғинининг 26 февралда қарорлари чиқарилган.

Иккинчидан, Юқоричирчиқ туман ер ресурслари хизмати бош муҳандиси Т.Аҳмедов тузган далолатномада И.Мирзакаримовга ажратилган 0,12 гектар ер «Исоқ деҳқон бобо» фермер хўжалигининг ҳудудига кирмаслиги кўрсатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди юқорида келтирилган фактларни ўрганмасдан барвақт хулосага келганлиги учун ҳам иш қайтадан кўрила бошланди.

Ва ниҳоят судья Рустам Исломбеков бошчилигида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раёсатининг мажлиси бошланди. Унга томонларнинг барчаси етиб келганди. Тошкент вилояти прокуратураси бўлим прокурори Самариддин Суяров, Исломбек Мирзакаримовнинг адвокати Тўтиёхон Султонова, Азамат Исоқов, Ҳурматой Улуғбоева ва Ботир Мирзакаримовлар шу ерда эди. Томонларнинг фикрлари тинглана бошланди. Азамат Исоқов турли йиллларда чиққан хариталарни кўрсатиб, ер аслида унинг фермер хўжалигига тегишли эканлигини исботламоқчи бўлди. Прокурор С.Суяров эса Юқоричирчиқ тумани прокуратурасининг аввалги позициясини қўллашини маълум қилди. Жавобгар «Исоқ деҳқон бобо» фермер хўжалигининг раиси А.Исоқов ўз сўзида участкага ажратилган ер менинг еримнинг ўртасида деб таъкидлади. Адвокат Т.Султонова эса суднинг аввалги қарорини бекор қилишни, И.Мирзакаримовнинг ерга бўлган ҳуқуқини тиклаб, етказилган зарарни ундириб беришни сўради. Масалани чуқур ўргана бошлаган суд ҳайъати участкага ажратилган ерни кўздан кечириш лозим деб топди. Шу билан суднинг биринчи мажлисида танаффус эълон қилинди.

Бир неча кундан кейин бўлиб ўтган суднинг якунловчи мажлисида барча ҳужжатлар ўрганиб бўлинганлиги, ер учаткаси кўздан кечирилганлиги маълум қилинди. Ва ниҳоят суд қарори эълон қилинди. Унга кўра И.Мирзакаримовга ажратилган ер қонуний деб топилди. А.Исоқовдан И.Мирзакаримов фойдасига 660.000 сўм моддий зарар, 90.000 сўм давлат божи ундиришга қарор қилинди.

Суд ниҳоясига етгач, Ҳурматой Улуғбоева ва Тўтиёхон Султоноваларни суҳбатга тортдик.

Ҳурматой Улуғбоева:

— Икки йилдан бери сарсон-саргардон идорама-идора чопаман. Очиғи, ўтган гал пойдеворимизни ва ғиштларимизни вайрон қилган А.Исоқовни ҳақ деб, биз жабрланувчиларни эса ноҳақ деб топишганида жуда ранжигандим. Адолатнинг юзага чиқишига ишончим сўна бошлаганди. Мана, ҳақиқат ғалаба қозонди. Бунинг учун адолат посбонларига, адвокатимга, «Huquq» газетаси таҳририятига миннатдорчилик билдираман.

Тўтиёхон Султонова:

— Ҳар гал суд жараёни орқали қайсидир жабрланувчига ёрдам берганимдан сўнг, адолат юзага чиққач кўнглим ёришиб кетади. Енгил тортаман. Бугун Ҳурматой опанинг иши қонуний ечимини топгач, мамлакатимизда адолат тамойилини юзага чиқариш учун ҳамма асос яратилганлигига тўла ишонч ҳосил қилдим.

Хуллас, иш ниҳоясига етди. Энди ҳамма гап ижрода қолди.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Huquq» мухбири

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига 5 йил тўлди

ҚОНУНЛАРГА ЭҲТИРОМ ТУЙҒУСИ БОЛАЛИКДАН ШАКЛЛАНАДИ

Президентнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши муҳим амалий аҳамият касб этади. Мактаб ёшидан Конституцияни ўқиб ўрганаётган фуқароларда қонунларга ҳурмат ва эҳтиром туйғулари шаклланади.

Ўтган беш йил мобайнида Конституцияни ўрганишга оид дарслик ва услубий қўлланмалар яратилди ҳамда такомиллаштирилди. Ушбу йўналишда дарс ўтадиган педагогларнинг малакаси оширилди.

1-4 бошланғич синфларда «Конституция алифбоси», 5-7 синфларда «Конституция оламига саёҳат», 8-синфда «Конституциявий ҳуқуқ» дарслари ўтилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси ўқувчиларда ушбу фанни ўқиб ўрганишга иштиёқни рағбатлантирувчи ибратли тадбирларни ташкил қиляпти. Республика бадиий академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармасининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда «Конституциямиз – бахтимиз пойдевори» мавзусидаги кўрик-танловлар анъанавий тусга кирди. Унда иштирок этаётган ўқувчилар Бош қонунимизда кафолатланган фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлар ҳақидаги олган билимлари, ҳосил қилган тасаввурларини турли шаклда ифодалашаяпти.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси таркибидаги билим юртлари, коллежларда таълим олаётган ёшлар 34 соатлик курс бўйича Конституцияни ўқиб ўрганишаяпти. Уларга олий таянч маълумотга, ҳуқуқий билимга эга малакали ўқитувчилар дарс ўтишяпти. Талабалар таълим муассасаларидаги кутубхоналардан дарслик ва қўлланмалар билан таъминланаяпти. Билим юртлари ва коллежларнинг талабалари вилоят, республика миқёсида ташкил этилаётган турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб, билим доираларини кенгайтириб боришаяпти. Ана шундай тадбирлардан бири – Конституция кунига бағишлаб ўтказилган тасвирий «Ёш ижодкорлар» республика кўрик танловида Фарғона санъат касб-ҳунар коллежининг ўқувчиси Темур Мамадалиевнинг иши ғолиб деб топилди. Мактаб ёшидан бошлаб Конституциямизда кафолатланган эркинликлар, ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлар шууридан жой олган, ўз ўрнида уларни тасарруф этишга одатланган, ҳуқуқини рўёбга чиқариш билан бирга бурчини адо этиш кўникмаси шаклланган фуқаролар қонунлар доирасида ишлаб, изланиб, ижод қилиб, фаровон ҳаёт кечиришга интилишади.

О.АҲМАДЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокурори биринчи ўринбосари

ФАХР БИЛАН ЎРГАНАМИЗ

2001 йил 4 январда Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинган эди. Ўтган 5 йил мобайнида Асосий қонунимизни ўрганиш учун кўпгина ишлар қилинди.

Мактаб ва ўқув юртлари учун «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус курслари ишлаб чиқилди. Бир қанча олимларимизнинг конституцияга бағишланган шарҳлари китоб ҳолида чоп этилди.

Конституцияни ўрганишдан мақсад нима деган саволга кўп бор дуч келамиз. Конституция ҳар бир давлатнинг бош қонуни ҳисобланади.

Бош қонун асосида бошқа қонунлар қабул қилинади. Мамлакатимизда уларнинг сони 400 тага яқинлашди.

Конституциямиз тарихи ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, у халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1990 йил 20 июнда парламент йиғилиши чақирилиб, мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Бу эса мамлакатимизнинг янги конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди.

1992 йили 8 декабрда Ўзбекистоннинг янги Конституцияси қабул қилинди. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийликдан асар ҳам йўқ. Давлат хилма-хил сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, жумладан, касаба уюшмаларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади ва шу билан кўппартиявийлик тузумининг шаклланишига замин яратади.

Ўзбекистон Конституциясида белгиланганидек, инсон ва жамият фаровонлигидан келиб чиқиб, давлат ўз фаолиятида ижтимоий адолат ва қонунийликка амал қилиши лозим. Асосий қонунда фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш, қариганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда ижтимоий таъминланиш, малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби ҳуқуқлари кафолатланган.

Албатта, конституция фуқароларнинг ҳуқуқларингина эмас, балки уларнинг бурчларини ҳам кўзда тутади. Шунинг учун ҳам конституциямизни пухта ўрганишимиз шарт.

Д.МАДИРИМОВ,
ТДЮИ талабаси

ЭЛНИНГ БАХТИ АКС ЭТГАН КИТОБ

Дунёдаги кўпгина мамлакатларда инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган бўлиб, унинг негизини конституция ташкил этади. Барча давлатларнинг конституцияларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз. Аммо ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи миллий конституциямиз халқчиллиги билан қўёш тафти-ю, оналар меҳрини эслатиб туради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга конституциянинг яна бир асосий принципи мавжуд. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсадини белгилащдир. Бир сўз билан айтганда, конституция жамият ҳуқуқий тизимининг ўзаги, шунингдек, давлатнинг асосий қонуни сифатида барча қонунчилик соҳаларининг бош манбаи ҳисобланади.

Конституциямизни халқимиз ардоқлаб, бахтнома дея эътироф қилиши бежиз эмас. Чунки уни яхши ўрганиш фуқароларимиз учун ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўла хабардор бўлиш имконини беради. Конституциявий ҳуқуқни чуқур ўрганиш эса жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини кўтаришга, давлатни бошқаришда уларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашади. Шуни назарда тутган ҳолда Каттақўрғондаги 5 та коллеж талабалари ўртасида конституциявий ҳуқуқ ва қонунчилик ҳақида дастлабки билимларни олиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга асосий эътибор қаратилган. Умумтаълим мактабларида эса шахс мақомининг конституциявий-ҳуқуқий модели ҳақида, ҳокимият идоралари тизими ҳамда фаолияти хусусида назарий билимларни беришга ҳаракат қилинаяпти.

Конституцияни ўргатиш ўқитувчининг тафаккур даражаси, қўлланаётган китоб ва қўлланмаларга ҳам боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда шаҳардаги коллеж ва мактаблар қошида «ҳуқуқий синф» жорий этилишига эришганмиз. Бу синфларни кўргазмали қуроллар, китоб ва қўлланмалар билан таъминлашга ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари имкон қадар ёрдам бериб келишмоқда.

Дастлабки йиллари айрим мактабларда ҳуқуқий билимларни ўргатишга эътиборсизлик билан қаралар эди. Ҳозир бунга бутунлай барҳам берилиб, бу вазифа тажрибали мутахассислар зиммасига топширилган. Шаҳар прокуратураси ходимлари ҳам таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Конституцияни ўрганамиз» сингари савол-жавоб кечалари, учрашувлар ўтказишаяпти.

Ўзбекистон Конституцияси ҳақидаги билимлар даражаси махсус тестлар, мавзуга доир баён ва иншолар олиш йўли билан аниқланмоқда. Шундан келиб чиқиб айтмоқчиманки, бу фанни ўрганишнинг поёни бўлмайди. Конституцияни англаш билан ўз қадр-қимматимиз, ҳақ-ҳуқуқларимизни кашф эта борамиз.

Маҳкам ҲАМИДОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори

— Ўзбекистонда фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифлар бериши борасида ўрнатилган тартиб тўғрисида маълумот берсангиз.

— «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятларни уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга беришлари кўрсатилган.

Бундан ташқари, фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақлидир. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахсларнинг манфаатини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонунларда назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Фуқаро ўз мурожаатини вакил орқали юбораётганда вакилга қонунда белгиланган тартибда ёзма равишда ишончнома бериши лозим. Ишончномада вакилга берилган ваколат доирасиқайд этилиб, нотариал ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

— Қайси ҳолларда, шунингдек, қандай ариза, таклиф ва шикоятлар кўриб чиқилмайди?

— Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Ёзма мурожаатларда эса муаллифнинг имзоси бўлиши шарт. Мурожаатга имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бундай мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Ана шу маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб топилади ва кўриб чиқилмайди.

Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш таъқиқланади.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси

— Аксарият фуқаролар Бош прокуратура раҳбарияти, хусусан, Бош прокурор билан учрашиш истагини билдиришади. Бундай пайтда уларга қандай жавоб берилиши керак?

— Ҳақиқатан ҳам бўлимга келаётган фуқароларнинг аксарияти раҳбарият қабулига кириш истагини билдиришади. Бироқ, ҳар бир мурожаат энг аввало қонунга мувофиқ бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир давлат органида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгилаб қўйилган бўлади. Бу «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси талабидир. Шундай экан, фуқаролар биринчи галда туман, вилоят раҳбарларининг қабулларида бўлиши, ундан сўнг Бош прокуратуранинг мурожаат этилаётган масалага таллуқли бўлим ёки бошқармаларининг жавобларини олиши лозим. Улар ушбу жавобдан қониқмаган тақдирдагина Бош прокуратура раҳбарияти қабулига кириш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда аввал бўлим ва бошқарма бошлиқлари, сўнгра Бош прокурор ўринбосарлари, уларнинг жавобларидан қониқмаган тақдирда Бош прокурор қабулига кириш тушунилади.

Лекин шуни унутмаслик керакки, қонуннинг 8-моддасида айтилишича, фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

— «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда ариза, шикоят ва таклифларни бериш муддати ўрнатилганми?

— Ариза, шикоят ва таклифларни беришда ҳеч қандай муддат белгиланмаган. Бироқ, мазкур қонуннинг 16-моддаси талабига кўра, айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, муддат белгиланиши мумкин.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёйган сари мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳам шунга монанд равишда ошиб бормоқда. Буни аввало кейинги пайтларда турли идораларга фуқаролардан тушаётган мурожаатлар сони кўпаётганидан ҳам кўриш мумкин. Бироқ, айрим ҳолларда баъзи юртдошларимиз қонунни лозим даражада билмасликлари оқибатида мурожаатни бир вақтнинг ўзида бир нечта идораларга йўллашаяпти ёхуд тегишли жавоб олганига қарамай қайта-қайта мурожаат қилишмоқда. Бу эса ҳам фуқаронинг, ҳам тегишли органларнинг ортиқча оворагарчилиги, бехуда сарф-харажат қилишларига сабаб бўлади. Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида қуйида фуқароларнинг саволларига Республика Бош прокуратураси фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлар бўлими бошлиғи Муқимбой ЭГАМБЕРДИЕВнинг жавобларини ҳавола этамиз.

— Кўпинча, мутасадди ташкилотлар фуқароларнинг мурожаатларига жавоб беришни узоққа чўзиб юборишади ёки умуман жавоб беришмайди. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади. Қонун бўйича мурожаатни кўриб чиқиш муддати қанча вақтгача чўзилиши мумкин?

— Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, ариза ёки шикоятлар тегишли давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг таклифлари ҳам келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кун ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда аризачига маълум қилинади.

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

...Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин...

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасидан

— Юқорида асоссиз, қонунга хилоф хусусиятдаги мурожаатлар ҳақида айтиб ўтдингиз. Бундай ҳолат рўй берганда қонунда қандай жавобгарлик белгиланган? Амалиётда фуқаролар ёки мансабдор шахслар жавобгарликка тортилганми?

— «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига кўра, фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят бериши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган. Яъни, туҳмат ва ҳақоратдан иборат бўлган ариза муаллифи МЖТКнинг 40-моддасига асосан жавобгарликка тортилади. Масалан, ўтган йили Тошкент шаҳрида яшовчи А.Ризамуҳаммедов туҳматдан иборат мурожаатларни йўллаганлиги учун МЖТКнинг 40-моддаси билан жавобгарликка тортилган.

— Айтинг-чи, мурожаатларни кўриб чиқишда фуқаролар шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эгами?

— Ҳа, фуқаролар бундай ҳуқуққа эга. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида фуқаролар қандай ҳолларда мурожаатни кўриб чиқишда қатнашиши мумкин бўлган бандлар қайд этилган. Хусусан, фуқаронинг мурожаати давлат органи томонидан кўриб чиқилаётганда у ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва изоҳлаб бериш, текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақли.

— Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келаяпсизлар? Уларни бартараф этиш учун нима таклиф эта оласиз?

— Аксарият аризаларда фуқаролар воқеа тафсилотлари, ишни қайси тергов органи ёки суд кўриб чиқаётганлигини аниқ кўрсатишмайди. Айрим ҳолларда шикоятнинг ўқиб бўлмайдиган нусхасини юборишади. Ушбу мурожаатларнинг ксеронусхаларида битта ёки бир нечта фуқаронинг фамилияси қўйилган бўлса, конвертда умуман бошқа фуқаронинг фамилияси қўйилиб, мурожаат қайси фуқарога тааллуқлилиги, кимга йўлланганлиги, қандай қонунбузарлик содир этилганлиги кўрсатилмайди. Баъзиларида эса ариза муаллифларининг манзиллари умуман йўқ. Охир-оқибат ушбу мурожаатлар аноним деб топилиб, кўрилмай қолдирилади.

Бундан ташқари, фуқаро қонунбузарлик ҳолатлари ҳақида даставвал туман раҳбарларига, улардан қониқарсиз жавоб олганида жавоб хатларини илова қилган ҳолда вилоят раҳбарларига, ундан кейин республика раҳбарларига жавоб хатида қандай ҳолатлар текширилмаганини ёки кўриб чиқилмаганини акс эттириб ариза ва шикоят беришлари лозим. Шундагина уларнинг мурожаатлари республика раҳбарлари томонидан текшириб чиқилади. Бизга келаётган фуқаролар туман, вилоят раҳбарларига мурожаат қилмасдан, тўғридан-тўғри республика раҳбарларига мурожаат этишади. Ваҳоланки, уларнинг мурожаатлари текшириш ўтказиш ҳақидаги топшириқлар билан жойларга юборилади. Бундай фуқаролар уларнинг мурожаатлари жойларга етиб боргунча анчагина вақтни бой беришади.

— Мансабдорларнинг фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқмаслиги ёки қонунда белгиланган муддатда ҳал қилмаслиги учун жавобгарлик белгиланганми?

— «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган.

Масалан, 2005 йилнинг 9 ойи мобайнида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонун бузилишига йўл қўйган 112 нафар мансабдор маъмурий, 15 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

2005 йил 11 ойида Республика прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар сони 71.708 тани ташкил этиб, улардан 33.708 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, 5039 таси қаноатлантирилди. Мурожаатларнинг 32.457 таси ҳал этишлик учун тегишли муассасаларга юборилган. 5543 таси тергов қилинаётган жиноят ишларига қўшилган. Юқори прокуратура органларига келиб тушган мурожаатларнинг 42.558 таси ҳал этишлик учун қуйи прокуратураларга юборилган.

Оила ва никоҳ

Мустақиллик мамлакатимиз миллий қонунчилигини яратиш, уни халқимиз хоҳиш-истаги асосида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имкониятини яратди. Бир қатор қонун ва кодекслар сингари «Оила кодекси» ҳам истиқлол шарофати ила ҳаёт юзини кўрди. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг янги «Оила кодекси» қабул қилинди.**

кодекснинг **15-моддасида никоҳ ёши белгиланган бўлиб, унда эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб кўрсатилган**. Эндиликда, бу моддага ўзгартириш киритиш орқали никоҳ ёшини эркак ва аёл учун бир хил, **ўн саккиз ёш этиб белгилаш таклиф қилинаяпти.** Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки, ўрта мактабни тугатар-тугатмай уйга келган совчиларга розилик берадиган қизнинг ота-онаси, фарзандининг маълум бир йил мустақил фикрига қулоқ тутади, қиз турмушга тайёрланади. Қолаверса, эндигина мактабни тугатган қизнинг олий даргоҳда ўқиш ёки ўқимаслиги, бирор касбни пухта ўрганиш масалалари ҳам тўла ҳал бўлади.

Амалдаги кодексда оилавий масаланинг бир бўғини ҳисобланган, фарзандликка олиш масалалари ҳокимликлар қарори билан ҳал этилиши белгиланган бўлса, энди бу борадаги ишлар халқаро ҳуқуқ мезонларига асосан, бевосита судлар зиммасига юклатилиши тавсия этилаяпти. Чунки суд мустақиллиги ҳар қандай муаммо ечимига холис баҳо бериши билан аҳамиятлидир. Ана шу мақсадда амалдаги кодекснинг **151-моддасига ўзгартиришлар киритилиши таклиф этилмоқда. Модда учинчи ва тўртинчи қисмлар билан ҳам тўлдирилиб, судда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар кўрилишида прокурорнинг шахсан иштирокига ургу беради.** Бу ўз навбатида мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, прокуратуранинг кенг кўламли ишларни амалга ошираётганини кўрсатади. Шунингдек, лойиҳага **«151.1-модда. Фарзандликка олиш бўйича воситачилик фаолиятига йўл қўйилмаслиги» каби янги қўшимча билан тўлдирилган. Бу модда жисмоний ва юридик шахсларнинг фарзандликка олиш ҳаракатларини қонун томонидан тартибга солади. Шу ўринда моддада биринчи қисми якунидаги «фарзандликка олиш бўйича» деган жумланинг қайтарилишига эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман. Шундай ҳам моддадаги номи ма-**

Қадриятлар эътирофи

Жамият ривожини қонунлар асосида бошқариладиган механизм тартибга солади. Бунда ўзига хос урф-одатлар, маҳаллий ва миллий қадриятларнинг эътиборга олиниши қабул қилинажак қонунларнинг мукаммаллигини таъминлайди. Айниқса, жамият кўзгуси ҳисобланган оила борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни миллий анъаналарга мослаш, оила мустаҳкамлигига хизмат қилади. Шу ўринда айтиш керакки, собиқ иттифоқда қабул қилинган «Никоҳ ва оила» кодекси қардош республикаларнинг миллий анъаналаридан йироқ эди. Кодекснинг мазмун-моҳияти барча халқлар учун бир бўлган умумий қоидаларни тарғиб қиларди.

Мазкур кодексда мамлакатимизда умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида оилаларнинг тотувлигини таъминлаш тизимини барпо этишга қаратилган қоидалар ўз аксини топган. **«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб таъкидланади Конституцияда.** Конституциямизда оилавий муносабатларга оид тўртта модданинг киритилганлиги мамлакатимизда оила муқаддаслигига эътибор нақадар юксаклигини намоён этади.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда оиланинг жамиятдаги мавқеини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. **1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди.** Ҳукуматимиз томонидан оила мустаҳкамлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилди. **«Оила» илмий-амалий маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Биргина жорий йилнинг ўзида кам таъминланган оилаларга 1 миллиард сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилди.**

Оила йилида «Оила кодекси»нинг қабул қилиниши, ҳуқуқий муносабатларни миллий қадриятлар асосида ривожлантиришга хизмат қилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, васий ва ҳомий, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимларининг фаолиятида синовдан ўтган ва миллий қадриятларда қўлланилаётган кўп йиллик тажриба Кодексда ўз аксини топди. Табиийки, барча жараён доимий ўсиш ва ривожланиш билан мукаммаллашиб боради. Кодекс моддаларига ҳам ана шу йўналишда қараш ҳамда такомиллаштиришни даврнинг ўзи талаб эта бошлади. Зеро, оила масалалари кенг қамровли ва мураккаб жараёнларни ўз ичига олади.

Оила кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадида Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Амалдаги кодекснинг 202-моддаси Гербли гувоҳномаларга бағишланган бўлиб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш тили аниқ кўрсатилмаган эди. Таклиф этилаётган қўшимчага кўра, **«Гербли гувоҳномалар давлат тилида расмийлаштирилади, зарурияттга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин».**

Кодекснинг 163-моддаси «Фарзандликка олиш рад этилганлиги устидан шикоят қилиш»га бағишланган эди. **Лойиҳага мувофиқ, энди барча жараён суд орқали ҳал этилиши ҳисобга олиниб, уни кодексдан чиқариб ташлаш таклифи ўринлидир.** Умуман, Оила кодекси жамият ижтимоий ҳаётининг юзини белгиловчи қонунлар мажмуаси саналади. Унинг ҳаётдаги тўлақонли ижроси оила мустаҳкамлиги ва миллий қадриятлар бардавомлигини таъминлайди.

Тоҳир САИДБОБОЕВ

Ахир, бахт эмасми сизнинг борингиз...

Кўзларимизда ҳаётга муҳаббат порлаб, юзимиздан нур томиб, билагимизда куч-қувват қайнаб турган пайтларда биздан бахтли одам бўлмайди дунёда. Турмуш қийинчиликларини бирма-бир енгиб ўтаверамиз. Ҳаётимизнинг омадли лаҳзаларидан, ишдаги, турмушдаги муваффақиятлардан сармаст яшаймиз. Биз кўпинча ҳаётдаги бу ютуқларга соғлиғимиз жойида бўлгани учунгина эришаётганимиз ҳақида ўйламаймиз ҳам. Аксинча гулдай жонимизни ҳою-ҳавасларимиз йўлида хазон қилаверамиз.

Баъзан шундай одамларга дуч келасизки, тани-жони соғ, юзида соғлиқ нури уфуриб турибди. Тоғни урса, талқон қилади. Аммо касал одамдек нолийди. Бундайларга улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг «Соғлиқ ҳаётнинг шундай неъматидирки, чиндан ҳам бетоб подшодан соғлом гадо минг карра бахтиёрдир» деган ҳикматли сўзларини эслатгинг келади. Одам бир куни боши ёстиққа тегиб қолса, оёққа юрган пайтлари ҳам бир бахт эканлигини англайди.

Умри касалхона билан боғланиб ўтаётган бир дўстим бор. Кўзларида доимий ҳорғинлик, юзлари заҳил, ўзи нимжонгина бир аёл. Ҳатто оила қуриш бахтидан ҳам маҳрум. Аммо унинг қалбидаги туйғулари соғлом.

Кўзларидаги умид не бир беумидларга сабоқ бўлгуси. Унинг қилдай жони билан ҳаётга бўлган интилишларини кўрсангиз баъзи бир норизою, ношукурларга соғлиқ қадрини, дард не эканлигини шу аёлдан сўранг дегингиз келади.

Бахтли яшаётган яна бир оилани биламан. Бир этак болалари бор. Бир маромда кечаётган кунларнинг бирида ногоҳ аёл дардга чалиниб, касалхонага тушиб қолди. Узоқ ётди. Бу оилага сукунат чўкди. Болаларнинг қийқириқлари ҳам эшитилмай қолди.

Ишонасизми, бу аёлнинг касалхонадан қайттанини кичкина ўғилчасининг юзидаги қувончдан билдим. Кўп бўлган эди бу болакайнинг кулмай қўйганига. Кўчада ўйнаб турган экан. Менга кўзи тушиши билан:

– Ойижоним келди, – деб қийқирди қувончини яширолмай.

Уларнинг уйига ҳол-аҳвол сўрагани кирдим. Уни кўрдиму, кўзларимга ишонмай қолдим. Султондай аёл елкалари тўкилиб, бир ҳовуч бўлиб қолибди.

– Иш деб елиб-югурибмиз. Жонни ўйлабмизми. Ҳалиям вақтида борибман, – дейди синиқкина товуш билан.

– Болаларингизнинг бахтига жонингиз омон қолибди, шунисига шукур... Худо хоҳласа, буёғи яхши бўлади, – дея унга таскин бердим. Ишдами, кўча-кўйдами қаерда сухбатлашмайин опа-сингилларимизга, қизларимизга уларнинг соғлиғи ўзи учун ҳам, қолаверса, жамият учун зарурлигини уқтиргим келади. Аёл соғлом бўлса – зурриёд соғлом бўлади. Шунинг учун гулдай жонингизни авайланг, азизларим дейман.

Соғлом одам хотиржам бўлади. Хотиржам одам эса жамиятга ҳам, ўзига ҳам наф беради. Соғлом ақл тўғри фикрлайди, ҳаётда йўл-йўриқ топиш осон кечади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсонлар саломатлиги борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Президентимиз томонидан 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир исботи бўлди. Бу эзгу ишлар улуғ бобокалонларимиздан бири Абу Райҳон Беруниийнинг «Шундай пайтлар келадики, одам юз йил яшамасдан олдин ўлишга ўрганиб қолади, бунга ишончимиз комил» деган башоратларини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатдир.

Инсон ҳаётга бир марта келади. Парвардигор бу ёруғ дунёда кўп йиллар бор бўлишимиз, бахтли бўлишимиз учун тани-жонимизни соғлиқ аталмиш бебаҳо неъмат билан қувватлаган. Унинг қадрига етиш оллоҳнинг бандасимам деганга ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, донишмандлар ҳам ўз суҳбатларида «Оллоҳ ҳам сақланганни сақлармиш» деган иборани тез-тез тилга олиб турадилар.

Аёлим, менга бахт сўра дедилар,
Кўз олдимга келди шу дийдорингиз.
Мен шунда омонлик сўрадим сизга,
Ахир, бахт эмасми сизнинг борингиз.

Ойсара ЖУМАЕВА,
Музработ туман ФХДЁ бўлими мудири

Қизингизни

Баъзан ота-оналарнинг: «Мен қизимни фалончининг ўғлига сотдим» деганини эшитиб қоламиз. Қиз болага нисбатан бундай иборанинг ишлатилиши ҳақорат эканини билсак-да, гап никоҳ тўйи ҳақида кетаётганини тушуниб, «Қутлуғ бўлсин! Табриклаймиз!» деб қўямиз. Чунки Хоразмда қиз боланинг «сотилиши» унинг турмушга чиқишини англатади. Шевамиздаги бу қусурни чуқур тадқиқ этсак, бу каби сўзлашув услубининг илдизи маънавиятимизгаи оғриқ нуқталаргa бориб тақалишини ҳис қиламиз.

Дарҳақиқат, Хоразмда тўй қилиб, келин туширишни пайида бўлган одамнинг тоғпатутгани қалин пули, сарпо, совға-саломларга сарфланиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Тўғри, келин учун қалин пули тўлаш кўпдан буён кишилик жамиятидаги иллатлардан бири саналади. Бу иллатнинг келиб чиқиши қанчалик олис замонларга бориб тақалса, уни бартараф этиш масаласи ҳам шунчалик кейинга чўзилмоқда. Ҳатто, қалин олиш маънавий пасткашлик ёхуд жиноят экани уқтирилаётган бўлса-да, бу иллатдан буткул қутулиб бўлмаяпти. Хўш, қалин нима учун олинади?

Айрим ёши улуғ кишилардан бу саволга жавоб беришларини сўрасак, улар биланғонлигини кўрсатиб қўймоқчидек: «Азалдан динимизда уйланаётган киши келин учун маҳр бериши шартлиги қайд этилган», дейишади. Ислом арконларидан Бурҳонидин Марғинонийнинг «Ҳидоя», имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобларида таъкидланишича, маҳр келиннинг ота-онасига эмас, балки ўзига куёв томонидан берилиши жоиз бўлган мулкдир. Маҳрга келиндан бошқа ҳеч ким, ҳатто унинг ота-онаси ҳам эгалик қилолмайди дея уқтирилади мазкур битикларда. Шунингдек, маҳр учун 10 дирҳамдан кам бўлмаган бирор матоҳ ёки тақинчоқ, либос берилиши жоизлиги ҳам эслатилган. Шу боисдан маҳр билан қалинни бир хил дея тушуниш хатодир.

Ҳозирги даврда қалин одамларни ғоятда катта ташвишларга гирифтор қилаётган муаммолардан биридир. Нодиний-миллий урф-одат ва дастурларга, на давлат қонунларига амал қилиш маданиятига эга бўлмаган одамлар бугун ҳам қалин олди-бердисини давом эттирмоқда.

—Урганчликлар қалин пули миқдорини аллақачон ярим миллион сўмга чиқариб юборишган, — дейди шаҳарнинг «Туркистон» кўчаси 40-уйда яшовчи Баҳодир Жуманиёзов. — Қиз узатаётган кишилар «Мен боламни бир парча эт ҳолидан камолга еттунча едириб-ичириб тарбия қилсам, уни сувтекинга бировга қўшқўллаб топшираманми?!» деган андишаси эҳ хаёлга борадилар. Ўйламайдиларки, бу билан нафақат куёв томонга, балки ўз жигарғўшаси бўлмиш қизига ҳам қаттиқ қийинчиликлар, жабр-у жафолар туғдиришини...

Баҳодир оға ҳақ. Катта харажатлар, мантиқсиз ва фойдасиз чиқимлар туфайли келин туширган хонадон бир-иккий йил ичида иқтисодий тақчилликдан қутулиб, қаддини тиклаб олиши даргумон.

Хўш, ҳамённинг бўм-бўш қолишига аввало ким сабабчи? Бош сабабчи дея биринчи навбатда келиннинг ўзи ва ота-онасини кўрсатиш мумкин. Чунки қизи борнинг нози бор деганларидек, куёв томонидан беш юз минг сўмни қуртдай санаб олган ота-она қолган жамики тўй харажатларини ҳам уларнинг зиммасига юклайди. Жумладан, келинпошша «Қизлар йиғини» ва «Никоҳ кечаси»да киядиган оқ либос — фатани 2 кунга ижарага олиш ўртача 200.000 сўмдан 500.000 сўмгача; «Лимузин» ёки чет элда ишлаб чиқарилган бошқа бирорта машина учун 2 кунлик хизмат ҳақи 600.000 сўм, тўйхонада ҳар бир курси учун 400 сўмдан ижара ҳаки тўлаш ҳам шўрлик куёвнинг гарданида. Ҳали бу ерда саньаткорларнинг хизмати учун тўланадиган улуш чўт қилинган эмас. Хоразмда тўйга Оғабек Собиров, Азиза Ниёзметова каби хонандалар боришса 600.000 сўмдан 800.000 сўмгача ҳақ талаб қилишади. Чунки уларга ҳам осон эмас, лицензия текинга бериладиган нарса эмас!

Агар ончалик танилмаган хонандалар тўйга боришса, уларнинг бир неча соатлик хизмат ҳаки 300.000 сўм атрофида бўлади. Куёвтўра висол оқшомида маъшуқасининг дийдорига эришиш қайғуси ўрнига саньаткорлар билан ҳисоб-китоб қилиш, иложи бўлса кечаси кимдандир қарз олиб бўлса-да уларни рози қилиб кузатиш билан овора бўлади.

маданияти

ТАРБИЯ – АҚЛНИНГ ЯРАТУВЧИСИДИР

Оила – жамиятнинг кичик бўлаги. Оилавий муносабатларнинг ривожланиш тарихи турли даврларда турли хил кўринишда бўлган, лекин вақт ўтиши билан инсонлар онгининг ривожланиши натижасида оила аъзолари орасида вужудга келадиган муносабатлар ҳам ўзгара бошлаган. Ҳадисда ҳам оила тўғрисида ибратли фикрлар зикр этилган. Оила асосини никоҳ ташкил қилади. Никоҳ – эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-ахлоқий шаклидир.

Оила никоҳга нисбатан мураккаброқ бўлиб, нафақат эр-хотинни, балки уларнинг фарзандлари ва шу оила таркибига кирувчи қариндошларни ҳам ўз ичига олади. Оила кодексининг 14-моддасига кўра никоҳ тузиш тартиби ва шартлари аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 14-моддасида таъкидланганидек, никоҳ тузишда бўлажак эр-хотиннинг эрки ифодаланади. Мажбурий никоҳ таъқиқланади.

Ҳозирги кунда оилаларнинг бузилиши судларда кўрилаётган фуқаролик ишларининг учдан икки қисмини ташкил этмоқда ва ажралишлар:

- эр-хотиннинг бир-бирига кўнгилсизлиги;
- характерни бир-бирига тўғри келмаслиги;
- эр ёки хотинни ичкиликка ружу қўйиши;
- рашк;
- фарзандсизлик;
- хиёнат;
- ҳар хил миш-мишлар;
- бошқа шахсларнинг шахсий ҳаётига аралашуви каби кўринишларда учрамоқда.

Оилани сақлаб қолишда энг биринчи асос фарзанддир. Шунингдек, ёшларни тарбиялаш, уларни шахс сифатида шакллантиришга салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш воситаси асосий ўринда турибди. Буюк аллома Абу Наср Форобий тарбия борасида оиланинг, айниқса отанинг ўрни юксак даражада эканлигини таъкидлаган.

«Тарбия ақлни яратувчисидир, – дейди Форобий. – Кимда тарбия бўлмаса, қусурларни ижобий хусусият каби қабул қилади, тарбияли киши фақат фозилликни улуғлайди.»

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, сохта никоҳ қуриш оқибатида тарафлар ҳеч қандай мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эришмайдилар ва бу улар ўртасида ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди.

Бу ҳолатларга иложи борича чек қўйишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Фарҳод ЭСОНБОЕВ,
ТДЮИ талабаси

Ўзаро ишончнинг омили

Ўзбекистон Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади» дейилган. 64-моддада эса «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» деб ёзиб қўйилган.

Бу ўзбекона қадр-қиммат, халқимизга хос меҳрибонлик, шу билан бирга келажак авлод олдидаги масъулиятимизни ҳис этишдир.

Бўлимимизда мудир ва иккита инспектор ишлайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 август кунги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ижросига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Туман марказий касалхонасида тиббий кўрикдан ўтказиш учун 9 кишидан иборат ишчи гуруҳи иш олиб бораяпти. Гуруҳга асосан тиббиёт ходимлари ва тажрибали ота-оналар жалб этилган.

Йил давомида 654 нафар ёшлар никоҳдан ўтди. Никоҳдан ўтувчилар ариза олингандан кейин тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма оладилар ва туман поликлиникасидан «Соғлом» деган маълумотнома олинади. Касаллик аниқланадиган бўлса шу ерга қайд қилинади. Агар ёшларда бу бўйича муаммо туғиладиган бўлса, у ошкор қилинмай, иккала ёшнинг сири бўлиб қолади.

Айтиш мумкинки, бу тажриба ўзини оқлаяпти. Олдинги йилларга қараганда ажралишлар камайган. Бунинг яна бир сабаби қарордан кейин бўлимимиз қошида «Ёш оила мактаби»нинг ташкил этилганлигидир. Ушбу мактабда ҳафтанинг пайшанба кунлари машғулот ва суҳбатлар ўтказилиб, никоҳни қайд этишга келган ёшларга ўзларини қизиқтирган мавзуларда маслаҳатлар берилаяпти.

Яқинда шаҳардаги «Гулистон маҳалласи», 48-мактаб, педагогика коллежида учрашувлар ўтказилди. Уларда «Оиланинг жамиятда тутган ўрни», «Никоҳ тузиш ва болалик» тўғрисида маърузалар қилинди. Шунингдек, туман «Халқ минбари» газетаси, Қорақалпоғистон телевидениеси ва радиосида ҳам бир неча бор чиқишлар қилдик.

Афсуски, ёшларимиз орасида турмуш қуриб фарзанд кўришгунга қадар ФҲДЁ бўлимидан рўйхатдан ўтмай юрганлари ҳам йўқ эмас. Баъзи ёшлар тиббий кўрикдан ўтмай, кейин касаллик аниқланиб, турмуши бузилиб кетган ҳоллар ҳам учрамоқда. Инсон ҳаётда бир марта яшайди. Оила эса муқаддас. Уни авайлаш, кўз қорачиғидек сақлаш зарур.

Соғлом йигит-қиздан соғлом фарзандлар дунёга келади. Шундай экан, турмуш қураётган ёшларнинг тиббий-кўрикдан ўтиши оилани сақлаб қолишида муҳим аҳамиятга эга.

Д.МАДИЁРОВА,
Беруний туман ФҲДЁ бўлими мудири

Оила муқаддас, фарзандлар азиз

Инсоннинг ҳаётда тутган ўрни, жамиятга келтираётган манфаати, унинг ҳар жиҳатдан шаклланишида оиланинг роли беқиёс. Эр-хотин муносабатлари мутаносиб оилада туғилиб, вояга етган фарзандлар жисмонан соғлом, маънавий дунёси теран бўлиши табиий. Бухоро вилоят адлия бошқарамаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими етакчи мутахассиси Гулшан РАЖАБОВА билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

— Оила, никоҳни қадрлаш, уни кўз қорачиғидек асраш миллатимизга хос қадим фазилатлардандир.

– Дарҳақиқат, оила муқаддас маскан. Никоҳ эр-хотин ўртасидаги ҳалоллик, поклик мезони. Бош қомусимизда: «Оила – жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дейилади.

— Оилани мустаҳкамловчи биринчи омил – соғлом фарзанднинг дунёга келишидир. Шу ўринда никоҳ маданияти ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

– Дилбандини ногирон, мажруҳ кўрган ота-онага дунёнинг барча шодликлари бегона. Қолаверса, буюк файласуф Афлотун айтганидек «Ҳар қандай никоҳ ўстидан бир нарса амр қилиб турмоғи лозим: ҳар бир одам ўз хузур-ҳаловати учунгина эмас, балки давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда никоҳдан ўтмоғи керак». Аммо айни шу ҳаётий талаб баъзан унутилмоқда. Бўлажак келин-куёвнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтмаслиги, эр-хотиннинг яқин қариндошлик алоқалари борлиги туфайли соғлиғида жиддий нуқсони мавжуд, касалманд, ногирон болалар туғилмоқдаки, бу нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг ташвишидир.

— Қонунга биноан никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқликка асосланади.

– Оила кодексининг 16-моддасида «...наслнасаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олинганлар ўртасида, лоақал биттаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди».

Аслида оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан асосий мақсад оиланинг мустаҳкам бўлиши, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик замирида, оила аъзоларининг масъуллик ҳисси асосида кўришдан иборат.

— Фикрингизга фактлар орқали ойдинлик киритсангиз.

– Марҳамат. Бухоро шаҳар ФҲДЁ бўлимида 2005 йил давомида 1662 та никоҳ қайд этилган. Барча келин-куёвларга тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланмалар берилган. Оила, никоҳ, эр-хотин муносабатлари юзасидан тиббиёт ходимлари, педагог-руҳшунос, тажрибали қайноналар билан ҳамкорликда индивидуал тартибда суҳбатлар ўтказилди. Шунга қарамай, 187 жуфтлик эр-хотинлик муносабатларига киришгандан кейин тиббий кўрикдан ўтишгани аниқланди. Афсуски, улар орасида икки нафар сил касаллиги билан оғриганлари бор. Бу ўз навбатида никоҳ маданиятини англамаслик, келажак авлод ўз шажараси соғлиғига бефарқликдан далолат. Демак, оила, никоҳ муносабатларига эътибор миллат келажаги, давлат манфаатлари, жамият равнақига даҳлдор жараён. Зеро, соғлом оила – қудратли давлат, мустаҳкам жамият пойдеворидир.

Суҳбатдош: Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

сотманг!

Дарвоқе, ҳали баъзи тўйхоналарда даврани дабдабали қилиб, салкам 1.000.000 сўмлик егулик ва ичимликларнинг дастурхонга тортилишини чўт қилганимиз йўқ.

Дарҳақиқат, инсон ўзига ўзи жабр қилмаса, уни бу қадар харажат қилишга ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ. Тўй соҳиби мақталишни истайди. «Кимсан, фалончининг тўйида шароблар анҳор бўлиб оқди» десалар фахрланади. Бунинг барига нафсоний хирс айбдор. Одам дабдабабозликка хирс қўймаганида эди, спиртли ичимликларсиз ўтказилган тўйлар Даққиюнус замонларида қолиб кетмаган бўлур эди.

Ниҳоятда катта чиқим куёв томонидан чиқишини тушунибсиз. Бор-йўгини тўй учун сарфлаган хонадонга келин бўлиб борган қиз бу ерда танглик ва камдаромадликдан вужудга келган шароитга кўникмасдан қийналиб қолиши турган гап. Фойдали витаминларга бой мева-чева, қанд-қурс, ёғли масаллиқларсиз, фақат нон ва чойга қараб қолган оилада гулдай келиннинг сўла бошлаши турган гап. Натижада камқонлик дардига йўлиққан қизнинг бўйида бўлиб қолгач, кўнгли сархил неъматларни тусайди. Куёв хотини учун ҳамма нарсани муҳайё қилишни истайди-ю, лекин топганини тўйда олган қарзини тўлаш учун топшираётган ота-онасидан истиҳола қилиб, ўзини бепарволикка солиб юраверади.

— Яқинда бўлимимизга бир келинчак ётқизилди, — деб ҳикоя қилади таниш шифокорлардан бири. — Қони камлигидан ҳаволи жуда оғирлашган экан. Қорнида ҳомиласи ҳам бор. Агар унинг шу ҳолатда кўзи ёриса, худо кўрсатмасин, асраб қолиш анча мушкул. Эри даволатмоқчи бўлган экан, қайнона-қайнотаси нақ 300.000 сўмни қуртдай санаб олган отаси даволатсин деб бир сўм ҳам бермабди.

Мана, сизга қалиннинг фожеаси. Ёшгина келинчакнинг асал ойи тугамасдан ўзига нисбатан чўриларча муносабатга гирифтор бўлишига ҳам қалин сабаб. Саҳармардондан кун боттунга қадар катта бир хонадоннинг супур-сидиридан ташқари оғилдаги молларга қараш, дала-боғ ишларини енг шимариб бажаришга мажбур. Ахир у — келин. Ахир у — сотиб олинган...

Келинчак юғур-юғур, чопа-чоплар оқибатида эрининг кўнглини овлаш тугул, хатто ўз латофати борасида ўйлашни ҳам унутиб қўйиши табиий. Кўпинча бундай ҳолларда ёш эр-хотинлар ўртасига совуқлик тушади. Бу дилхираликнинг сабаби икковига ҳам равшан бўлса-да, бармоғини бигиз қилиб катталарни айбдор қилиб кўрсатишмайди. Чунки ўзлари ҳам айбдан холи эмас.

Эр-хотин — қўш ҳўкиз деган доно мақол бор. Шундай экан, икки жон бир тан бўлиб рўзғор отлиг аравани ҳамжиҳатликда тортиши керак. Бу ҳамжиҳатлик ҳали тўй қилинмасдан аввал куртак ёзса, айни муддао бўлур эди. Негаки, оила фақат йигит учун эмас, балки қиз учун ҳам зарур. Агар у янги оилада бахтли ҳаёт завқини сураман деса, аввало дабдабабозликдан воз кечиши даркор.

Яширишга ҳожат йўқ, камина уйланганида қайнота томоннинг нимаики буюртмаси бўлса бажарибмиз-у, ўзимга янги костюм-шим олишга имкон тополмабман. Тўй куни эгнимда университетда киядиган либосимни кўриб, пойтахтлик курсдошларим ҳазиллашган эдилар: «Сизга Тошкентдан келин топиб берсак бўлар экан. Янги костюм-шимли бўлар эдингиз!».

Албатта, бу ҳазил учун айтилган гап. Лекин бундан Тошкентда уйланиш йигит учун катта қийинчиликлар келтирмаслигини ҳам англаш мумкин.

Янглишмасам, 1998 йил сентябр ойида тўй-маъракаларни исрофгарчиликсиз, камчиқим қилиб ўтказишга оид Президент фармони эълон қилинган эди. Ўша йиллари тўй-маъракаларни камҳаражат, дабдабабозликсиз ўтказишни тарғиб қилиш бироз авж олгандай бўлди. Ҳозир эса кимнинг қандай тўй қилиши-ю, қанча қалин олиши билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Пировардида бу халқимизнинг ўзига қимматга тушаяпти.

Кўпчилик воқиф бўлган бир лавҳа бор. У ҳам бўлса минг йиллар бурунги жоҳилият даври ҳақидаги маълумотлардир. Уларда хабар берилишича, исломгача бўлган даврда баъзи ота-оналар қиз фарзанд туғилса, ор қилиб уни тириклайин ерга кўмар эканлар. Бу каби ғайриинсоний одатларга кейинчилик ислом дини чек қўйди. Бироқ, бугуннинг лавҳаси келажак авлодларда қандай тасаввур уйғотар экан? Ўз фарзандини арзимаган пулга (қалин назарда тутиляпти) изтиробга, азоб-уқубатларга кўмаётган ота-оналарнинг ўша жоҳилият кишиларидан фарқи борми?

Хоразм вилоятида 343 та маҳалла фуқаролар йиғини қошида диний, маданий, ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқда. Афсуски, айрим маслаҳатчилар чаласавод, халққа маърифат бера оладиган даражада эмас. Янглишмасам, уларнинг бирламчи вазифаси қизларни ҳаётга тайёрлашга ҳисса қўшишдан иборат. Тегишли ташкилот ва маҳкамалар билан мазкур маслаҳатчилар зикр этилган муаммолар борасида профилактик чора-тадбирлар олиб боришса, нур устига нур бўлур эди. Зеро, никоҳ маданияти қарс икки қўлдан чиқишини англаб етишдан бошланади. Ҳали мустақил турмуш бошланмасиданоқ келин-куёв бир-бирини иқтисодий бўҳронларга солиб қўйса, қани бу ерда севги нашидаси, қани никоҳ маданияти!

Тўғри, каминанинг ёши улуғларга баҳо беришда қатъий ҳукм чиқаришга мутлақо ҳаққи йўқ. Лекин отилажак вулқоннинг ўз вақтида отилгани маъқул. Аммо айни ёшлик палласига кириб, навқиронлик нашъасини тотаётган фарзандларингиз қатори мен илтижо билан сизга мурожаат қилмоқчиман: қизингизни сотмасдан бахтли турмушга узатинг, азиз ота-оналар!

Эрпўлат БАХТ,
«Huquq» мухбири

Сохта инсонпарвар

2004 йилнинг баҳори эди. Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро суди биносида «Янгиариқ овози» газетаси собиқ мухбирининг қайта ишга тикланишини сўраб берган даъво аризаси кўриб чиқилмоқда эди. Тахририят ходимлари даъво рад қилинишига умид боғлашарди. Бироқ кутилмаганда кўпчилик ўйлаганидек «осмондан чалпак» ёғмади.

Суд биносида сочини тақир қилиб қирдирган, эгнига норғул йигитларникидек жинси нимча ва шим кийиб, қора кўзойнак тақиб олган кимсанинг пайдо бўлиши уларнинг умидини чиппакка чиқариб юборди. Ёши олтмишларни қоралаб қолган бу кишининг ҳаракатлари анча дадил, гап-сўзлари пухта бўлиб, эшитган одамни бироз эсанкиратиши ҳам мумкин эди. Бу чақирилмаган «меҳмон» ўзини халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотининг вакиличи деб таништираркан, судъялардан бирига деди:

– Мени танимадингми? Ахир мен хивалик Исоқ отаман-ку?!

Исоқ ота! Бу ном ҳаммага таниш эди. Кимдир уни ҳудабеҳуда можароларга аралашиб, тарафкашлик қилиб юрадиган одам деб билса, яна кимдир...

Хўш, аслида Исоқ ота ким? 2005 йилнинг 10 сентябр куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг очиқ суд мажлисида бу каби саволларга адолатли жавоб берилди.

Исоқ Абдуллаев 1936 йил Хива шаҳрида туғилган. Ўзбекистон фуқароси, оилали, икки фарзанднинг отаси, маълумоти ўрта. 1958 йил 20 майда Хива туман халқ суди томонидан ЎзССР ЖКнинг 274-моддаси «б» банди билан 5 йил муддатга, 1968 йил 29 апрелда Қўшкўпир туман халқ суди тамонидан ЎзССР ЖКнинг 150-моддаси 2-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. 1977 йил 2 июл куни Хива туман халқ суди томонидан ЎзССР ЖКнинг 204-моддаси 2-қисми, 151-моддаси, 112-моддасининг «г» банди, 40-моддаси билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Нафақахўр, 2-гуруҳ ногирони...

Ўзини кимсан, Хива киборларидан деб ҳисоблайдиган И.Абдуллаев ҳамёнида пул, чангалида шўрва тутган шахслардан эди. Унинг ўз номи билан аталувчи фирмаси ҳам фаолият кўрсатарди. Бундан 3 йил аввал «Исоқ ота» фирмасига фуқаро Ўғилжон Исаева тикувчи бўлиб ишга киради. И.Абдуллаевнинг турмуш ўртоғи Жумагул Полвонова мактаб қўқувчилари формалари тикиш учун товар олиб беради. Ёнига 5-6 нафар танишларини тўплаб, Ў.Исаева ана шу товарлардан форма тикишни бошлагач, иш қизғин тус олади. Ҳаракатда баракат борлигини ҳис қилган чеварлар тикилган 600.000 сўмлик формани сотиб, пулини Ж.Полвоновага топширадилар. Жумагул опанинг топшириғи билан 120.000 сўмлик кийимкечак насияга берилади. Насияга ит ҳурмас деганларидек, бу ҳолат тикувчининг бошига кўп савдоларни келтиришини у етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. Ҳадеганда меҳнатига ҳақ тўлаш «хўжайин»нинг эсига келмагач, чеварлар ишни ташлаб, кетиб қоладилар. Насияга берилган товарларнинг пулини тўлаш Ў.Исаевانинг гарданига юкланади. 2002 йилнинг 26 феврал куни уйига ташриф буюрган назорат идораларининг ходимларини кўриб Ўғилжон опанинг капалаги учиб кетади. А.Матчонов ва И.Худойбергановлар аллақандай ҳужжатларни варақлашаркан: «Сиз «Исоқ ота» фирмасига 571.000 сўм камомад келтиргансиз» дея баённомага имзо чекишини талаб қиладилар. Дарҳақиқат, И.Абдуллаев тикувчилик қилиш жараёнида Ў.Исаева 571.000 сўмлик товарни талон-тарож қилди деб сохта саноқ ва таққослаш далолатномаларини тегишли маҳкамаларга тақдим қилган эди. Оқибатда Ў.Исаевانинг содир қилмаган «қилмиши» судда кўрилиб, айбсиз айбдор бўлиб қолади. Ҳали буниси ҳолва экан. Орадан кўп ўтмай И.Абдуллаев хотини Ж.Полвонова билан тил бириктириб, Ўғилжон опанинг Хива тумани Хоразмий номли ширкат хўжалигининг 5-бўлимидаги уйига бориб, «ҳақ ундириш» томошасини бошлайди. Шу куни Ўғилжон опа муҳим иш билан қаергадир кетган экан. Уйда унинг онаси М.Юсупова тимирскиланиб юрарди. Ногоҳон остонада пайдо бўлган Исоқ ота кампирдан қизининг қаерда эканлигини сўрайди. Унинг уйда эмаслигини эшитгач, атрофида хон амрини кутиб турган навкарлардек тизилиб турган 6-7 нафар йигитларга «Бошланг!» дея буйруқ беради. Йигитлар енг шимариб ишга киришадилар. Кўз очиб юмгунча Ў.Исаевانинг уйида нимаики қўлга илинса ташиб, «КамАЗ» автомашинасига юклайдилар. Ҳатто хоналарнинг эшикларини бузиб, уловга ортишади. Шу куни тикувчининг ярим миллион сўм атрофидаги «камомад»и ортиғи билан ундирилишига эришилади. Ў.Исаевانинг уйидан 5.017.000. сўмлик мулк талон-тарож қилиб, олиб кетилади.

Уй ичидаги анжомлар етмаганидек, И.Абдуллаев Ўғилжон опанинг уйининг томини очиб, ёғочларини олиб кетиш учун йигитларига амр қилади. Ишга киришганларида қишлоқ оқсоқоллари орага тушиб, ялинибялвориб уларни бу ишдан тўхтатиб қоладилар. Тиниб-тинчимас қариянинг сўнгги саргузаштлари фуқаро У.Дўсчанова билан давом этади. У.Дўсчанова Исоқ ота билан 2000 йилнинг баҳорида танишган эди. У чолнинг уйига бориб юмушларига ёрдамлашиб юрарди. Унинг меҳрибонлигига учган қиз синглиси Н.Дўсчановани ҳам Хивадаги кўзи ожизлар мактабида ўқитиш учун уникига олиб боради. Кўклам кетиб, ёз келгач, У.Дўсчанова Исоқ ота билан Тошкентга жўнайди. 2003 йил 7 июн куни синглиси И.Дўсчановани ҳам пойтахтга олиб кетадилар. Шу вақтдан эътиборан опасингил И.Абдуллаевнинг шаҳардаги уйида яшай бошлайдилар. «Сени ўз қизимдай тўй билан турмушга узатаман» дея аврар экан, чоли тушмагур қизни домига илинтиради. Уни ноқонуний эр-хотин бўлиб яшашга кўндиради. Кўни-кўшни, таниш-билишлар У.Дўсчанова ва унинг синглисини ҳақиқатан ҳам И.Абдуллаевнинг фарзандлари деб ўйлашарди. Ҳатто келинликка сўраб совчилар ҳам келишарди. Исоқ ота турли баҳоналарни рўкач қилиб, совчиларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатиб юборарди. Тенг-тенги билан, тезак қопи билан деганларидек, чувак бобойдан безган У.Дўсчанова Абдусамат исмли таниш йигити билан Чимкентга кетиб қолади. Бу айрилиқ кекса ошиқнинг юрагига туганмас алам ўтини солади. Фурсатни ғанимат билиб у Яккасарой туман ИИБ бошлиғи номига 2004 йилнинг 4 сентябр куни ариза билан мурожаат қилади. Аризада ўзининг Тошкент шаҳар Усмон Носир кўчаси 134-уй 13-хонадонида яшаб келган У.Дўсчанова таниши А.Шониёзов билан 4000 АҚШ доллари ва 100.000 сўм пулларини ўғирлаб, уйдан чиқиб, қайтиб келмаганлиги сабабли, уларга нисбатан қонуний чора кўришни талаб қилади. Чимкентдан Тошкентга қайтганида У.Дўсчанова таниши М.Қулибоевадан Исоқ ота унинг устидан ИИБга ариза ёзиб, жиноят иши қўзғатганини эшитиб қолади. Эгилган бошни қилич кесмаслигини тушуниб етган У.Дўсчанова дугонаси М.Қулибоевани орага «элчи» қилиб, И.Абдуллаевдан «бир қошиқ қонидан кечиши»ни сўрайди. Элчи орқали У.Дўсчанова билан учрашар экан, Исоқ ота уни пойтахтдаги Шамсикулол кўчаси 4-уй 7-хонадонига олиб боради. Шу ерда у билан яна «кексалик гаштини» сура бошлайди. Бироқ қизнинг қайтиб келганлиги ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига хабар қилишни, аризасини қайтариб олишни фаромуш қилади. 2004 йилнинг 1 сентябригача опасингил Дўсчановалар Исоқ отанинг ўша манзилдаги уйида биргаликда яшай бошлайдилар. Ногаҳон уларни бу ерда кўриб қолган қўшниси О.Қулибоевага қария тушмагур: «Қизларнинг бу ерда эканлигини бировга айта кўрманг» деб тайинлайди. Орасирада Хивага қонуний хотини Ж.Полвоновага сим қоқиб аҳволидан хабар олиб тураркан, И.Абдуллаев кутилмаганда 4000 АҚШ доллари ва 100.000 сўм пулини ўғирлаб «қуён» бўлган



қизларнинг топилгани ҳақида айтиб қолади. Жумагул опа: «Уларни Хивага жўнатиб юборинг. Бир боплаб таъзирини есинлар!» дейди қаҳ-қаҳ отиб.

— Хўп, ундай бўлса сен улар учун «махсус» жой тайёрлаб қўй, — дея тайинлайди Исоқ ота хотинига.

2004 йилнинг 2 декабр куни И.Абдуллаев ўлжасига айланган опа-сингилларни фуқаро С.Султоновнинг автомашинасида Хивага олиб келади. Уларни Хива шаҳар Нажмиддин Кубро кўчасидаги 15-уйнинг боғининг чеккасидаги омборга 96 кун қамаб қўяди. Бу орада қизларнинг топилгани ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига хабар қилиш ўрнига, ўзини хокисорликка солиб, «ўғри У.Дўсчановани топиб беринг!» дея ИИБга қатнаб юради. Устига-устак, опасингилларни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиб, уларни ўта оғир жиноят қилишда айблаб, уларни интернет орқали нашр қилинган матнда чиқариб кўпайтириб, туҳматлар уюштириб чарчамайди. Ж.Полвонова қизларни тутқунликда сақлаш учун олдиндан деразаси олиниб, ғишт билан беркитилиб, темир эшиклар ўрнатилган хонани тайёрлаб қўйганини эшитиб, унинг оналик меҳри, аёллиги қайга кетган экан дея ўйланиб қолишингиз табиий. Чунки Жумагул опа ҳам эри билан биргаликда У.Дўсчановага жароҳат етказиб, қийнаб, сочларини кесиб ташлаб, қадр-қимматини топтайди. Бечора опасингиллар қайси гуноҳлари учун зах, қоронғи ва совуқ хонада, соғлиғи учун хавфли шароитда «хусусий қамоқхона» маҳбусига айланганликларига сира ақли бовар қилмасди. Салкам 100 кун очлик ва совуқдан адои тамом бўлган «маҳбус»лар ниҳоят 2005 йилнинг 8 март куни эшик қулфини бир амаллаб очиб, қочишга муваффақ бўладилар. «Хива-Урганч» магистрал йўлига чиққан, кийим-боши афтода бу қизлар троллейбусга ўтирган заҳоти ёлвора бошлайдилар:

— Жон оғажон, тезроқ ҳайданг, йўлда ҳеч қаерда тўхтаманг. Биз Урганчга, ИИБга боришимиз керак. Бизни ноқонуний уй қамоғида сақлашди.

– Қанақа уй қамоғи? – ажабланиб сўради ҳайдовчи.

– Исоқ ота... хусусий қамоқ.., — дудуқланарди опа-сингиллар. – Фақат илтимос, тезроқ Урганчга элтинг. Лекин... йўлкирага пулимиз йўқ.

Ҳайдовчи зийраккина йигит экан. Уларнинг бирор-бир жиноятчининг чангалидан қочиб чиққанини фаҳмлаб етди. Шу боис ортиқча савол бериб дилини эзғилаб ўтирмади. Йўлкира ҳам талаб қилмади. Урганчга етиб келгач, уларни айтилган манзилда тушириб юборди... Кўза кунида синиб бўлган эди. Кўпчиликка ҳақиқатгўй, «йўқсилларнинг ҳомийси» бўлиб кўрсатган И.Абдуллаевнинг асил башараси фош бўла бошлади. Эл орасида, интернет тармоғида тинимсиз ҳақиқат ҳақида бонг урган бу шахснинг аслида қип-қизил одам ўғриси, талончи, туҳматчи ва муштумзўр эканлиги тўғрисида миш-мишлар тарқала бошлади. Бу миш-мишларнинг ҳеч бирига эътироз билдириб бўлмасди. У ҳатто мушугига пишт деган милиционерларни ҳам «навкарлари» билан боплаб дўппослашдан қайтмаганди. 2003 йилнинг 20 сентябр куни соат 14 лар чамасида ўзини Хива тўрасидек ҳис қилган мазкур шахс Ю.Бобожонов, Э.Матёқубов, Д.Хўжаниёзов ва О.Абдуллаевлар билан биргаликда Хоразм вилоят ИИБ ЙХХБ 2-сафарбарлик гуруҳи инспектори Х.Абдуллаевни уриб, енгил шикаст етказадилар. Шўрлик Х.Абдуллаевнинг Исоқ ота наздида қилган гуноҳи унинг арзанда ўғли Жамшидбек бошқарувидаги автомашинани йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун тўхтатгани эди. Шугина «айби» учун патрул йигит Исоқ ота ва унинг йигитларидан калтак ейди. И.Абдуллаевнинг ниқоби йиртилгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан унинг Хивадаги уйида тинтув ўтказилади. Унда И.Абдуллаевнинг хонадонидан экстремистик руҳдаги маърузалар ёзилган дискет, кўкнори бошоқлари топилади. Яқинда жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судлов ҳайъати биносида И.Абдуллаев содир этилган жиноят кўриб чиқилди. Тергов-суриштирув жараёнида аниқланган далил-исбот, ашёвий далиллар, гувоҳлар, мутахассисларнинг кўрсатмалари ўрганилиб, суд аниқ ва адолатли хулосага келди. Судланувчи 9 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Талон-тарож қилинган 5 миллион сўмлик мулк даъвогар Ў.Исаевага қайтарилди. Кекса фирибгарнинг алдовларига учиб, узоқ вақт азоб-уқубат чеккан опа-сингил Дўсчановалар эркин нафас ола бошладилар. Зеро, бу ёмонлик устидан адолат ва эзгуликнинг чинакам тантанаси эди.

Эрпўлат БАХТ,
«Huquq» мухбири

Mulohaza

Манзилга муаммосиз етсак...

Эрталаб ишга, кечки пайт эса уйга қайтаётганингизда замонавий, қулай ва озода автобусларга чиқиб дилингиз яйрайди. Беихтиёр ўтган асрнинг охирларидаги транспорт билан боғлиқ ҳолатлар кўз ўнгингизга келади. Ўшанда бекатларда одам тирбанд бўлиб, йўловчи билан тўла шалоғи чиққан автобуслар ё бекатларга етмай, ёки анча узоқроққа ўтиб тўхтар эди. Ана энди пойгани кўринг! Албатта, бу пайтда чаққонроқ йўловчилар югуриб автобусга чиқиб олар, ҳарсиллаб, зўрға нафас олишига, салондаги кўнгилни беҳузур қиладиган бензин ҳидига қарамай, улгурганига хурсанд бўлар эди. Ёзнинг чилласи-ю қишнинг қаҳратонини айтмаса ҳам бўлади. Бундай ҳолатлар турли газета-журналларда, айниқса, «Муштум»да қаттиқ танқид остига олинар эди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Истиқлолга эришдик. Албатта, турли соҳаларда бўлгани каби, жамоат транспортида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Ҳамшаҳарларимиз кўнгилдагидек қулайликка эга бўлишди. Аммо афсуски, гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, бу борада ҳам айрим дилхираликлар кўнгилни хира қилиб турибди.

Фикримни изоҳлашга ҳаракат қиламан. Мисол учун, кечқурун ҳориб-чарчаб уйга қайтганда иссиқ овқат тайёр бўлишини ким ҳам хоҳламайди дейсиз. Овқатни тайёрлайдиганлар эса, табиийки, аёлларимиз. Аёлингиз уй бекаси бўлса, муаммо бўлмайди. Лекин у ҳам ишласачи? Ишдан олдинроқ чиқишга, шошилганча уйга келиб, сиз келгунингизча овқат тайёрлашга ҳаракат қилади. Аммо бу юмушни вақтида бажаришда аёл бояқишга тўсқинлик қиладиган баъзи сабаблар ҳам борки, улардан бири айнан шаҳар жамоат транспорти билан боғлиқдир.

Ушбу мақолага қўл уришдан олдин пойтахтимизнинг айрим автобус йўналишларидаги аҳволни ўрганишга ҳаракат қилдим. Масалан, метро ёки бозорнинг ёнгинасидан ўтадиган автобусларнинг деярли ҳаммаси шу бекатда ўн-ўн беш дақиқа тўхтаб туради. Бу ҳолат айниқса ҳайдовчилар «пик» деб атайдиган, эрталаб ҳамма ишга отланган, кечқурун эса уйга ошиқаётган вақтда юз беради. Ваҳоланки, айнан шу пайтда йўловчилар учун ҳар бир дақиқа ғанимат ҳисобланади. Бахтимизга тўрт-беш йилдан бери қиш забтига олмай, енгилгина ўтиб кетмоқда. Лекин ёзнинг чилласи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа ҳақида айтиб ўтсам. Баҳорнинг ўрталарида 80-автобус «Миробод» бозори бекатида тўхтагач, ҳайдовчи пастга тушиб кетди. Гоҳида ҳайдовчиларнинг сигарет олиш ёки сув ичиш учун бундай қилишлари табиий ҳол. Бу сафар ҳам шундай бўлса керак деб ўйладим. Аммо, тўртбеш дақиқа ўтса-да, орқага қайтмагач, нима гап экан деб қарасам, у йўл ёқасидаги бир енгил машина ҳайдовчиси билан суҳбатлашиб турибди. Салонда норозилик пайдо бўлиб, шовқин-сурон бошланди. Ҳайдовчи эса пинагини ҳам бузмасди. У ниҳоят меҳмондорчиликдан келаётгандек таниши билан хайр-хўш қилиб, жойига қайтди. Автобус йўлга тушди. Арзимасдек туюлган ҳолатдан эса бир неча ўн кишининг таъби тирриқ бўлгани қолди.

Яна бир воқеа. «Чилонзор» метро бекати. Кун иссиқ. Автобусга чиқиб (маршрутининг рақами ёдимда қолмаган), бўш ўриндиққа ўтирдим. Бир маҳал салонда баланд овозда қўшиқ янгради. Ҳайдовчи магнитофон қўйган экан. Олд қаторда ўтирган аёл иссиқдан лоҳас бўлди шекилли, ёнидаги ўспиринга «Ўғлим, шопирга айтинг, ашуласини пастроқ қўйсин» деб илтимос қилди. Йигитча ҳайдовчининг ёнига бориб келди. Аммо бу ҳайдовчига таъсир қилмади. Орқа томондан эркак кишининг «Ҳой, ўчирсанг-чи ашулангни» деган дағдағаси эшитилди. Шундан кейингина қўшиқ сал пасайди.

Агар автобус ҳайдовчиларининг йўловчи учун пойга ўйнашларини, яъни ким кўпроқ йўловчи олишини кўрмоқчи бўлсангиз, шу бекатга кечки пайт келиш кифоя. Метро бекатидан жанубий вокзал йўналишида автобуслар турнақатор бўлиб олишади-да, метродан йўловчиларнинг чиқишини кутишади. Вақти-вақти билан жойларидан салгина қўзғалиб олишади. Автобуснинг олд эшигига чиқиб олган йигитчаларнинг йўловчи чақирган ҳайқириғи эса оламни тутади. Орада уйига шошилган йўловчилар жиғибийрон. Агар уларнинг орасида фарзандини боғчадан олганлар ҳам бўлса, болаларнинг хархашаси урганнинг устига тепган бўлади. Бирорта ҳайдовчига танбеҳ бермоқчи бўлсангиз, ё гапингизни писанд қилмай индамай қўяқолади ёки дўқ қилади. Шу ўринда икки йилча аввал бир танишим айтиб берган воқеани келтирсам. Янглишмасам, 30-маршрут экан. Рамазон ойининг охирлари, кечки пайт. «Болалар дунёси» бекатида автобус керагидан ортиқроқ туриб қолибди. Бу ҳолат, табиийки, йўловчиларнинг эътирозига сабаб бўлган. Шунда ёши анчага бориб қолган бир киши «Ҳой, юрақолмайсанларми?!» деса ҳайдовчининг ёнидаги паттачи «Қаёққа юрамиз? Ўзи ҳозиргина олдинги автобус кетди-ку» дея жавоб берибди. Ҳалиги одамнинг бу гапдан асаби бузилибди: «Бу нима деганинг? Салкам қирқ минутдан бери кутиб ўтирибман-у, бу ёқда ифторликнинг вақти бўлиб қолди, ахир». Энди жавобни эшитинг: «Мен нима қилай? Шошаётган бўлсангиз, ана, такси ушланг. Ҳе, ўргилдим таққан бўйинтуруғингдан».

Ана сизга муомала-ю ўзидан каттага бўлган ҳурмат! Танбеҳ берган кишининг айби рўза тутгани-ю галстук таққаними?

Анчадан бери ғашимга тегадиган бир ҳолат ҳам борки, ўрни келганда айтмасам бўлмайди. Масалан, автобусга асосан орқа эшикдан (қария, ногирон, ҳомиладор ва ёш болали аёллар бундан мустасно) чиқиб, олд томондан тушиш белгиланган. Амалда эса аксарият ҳолларда одам кўплигидан, афсуски, бунга амал қилиш анчагина мушкуллик туғдиради. Бундай ҳолларда кўпинча ҳайдовчилар фақатгина олд эшикни очишади. Паттачи бўлса шу ерда турволиб, чипта текширади. Энди лиқ тўла автобуснинг охиридан олдинги эшик томон ўтишни тасаввур қилиб кўринг-а.

Шу ўринда паттачилар ҳақида ҳам икки оғиз. Уларнинг орасида шундайлари борки, муомаласига «гап йўқ». Ёз ойларида 51-маршрутли автобусга чиққандим. Бир маҳал паттачи юпунгина кийинган ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги болакайга дўқ ура кетди. Маълум бўлишича, боланинг ёнида бор йўғи 150 сўм пули бор экан. Ўн сўм учун паттачининг шовқинини кўрсангиз! Болакай уялганидан нима қиларини билмайди... Ахир ўн сўм қайларда қолиб кетмайди.

Бир куни ишхонага келмоқчи бўлиб, 1-маршрутли автобусга ўтирдим. Паттачи аёл ёнимга келгач, ойлик йўл чиптасини кўрсатдим. У шошмасдан целлофан ғилофдаги чиптани суғуриб олиб, бармоғи билан пайпаслашга тушди. Ҳайрон бўлиб, нега бундай қилаётганини сўрасам, унинг ишига аралашмаслигимни, ҳозир қалбаки чипталар кўпайиб кетганлиги боис текшириб кўраётганини айтди. Бу ҳолат орқа томондаги аёлнинг ғашини келтирди, шекилли, у паттачидан бейжигини сўради. Паттачи уни тергашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтгач, бошқа йўловчилар ҳам унга қарши чиқишди. Паттачи аёл уларнинг эътирозини писанд ҳам қилмай, сўкинишга тушди. Шовқин-сурон бошланди. Қанча одамнинг асаби бузилди.

Ўйланиб қоласан киши. Бу автобуслар давлат мулкими ё шахсий?

Албатта, мен юқоридаги ҳолатларни келтириб, ҳайдовчию паттачиларнинг ҳаммасини қоралаш фикридан йироқман. Уларнинг орасида ишини виждонан бажараётганлари кўпчиликни ташкил этади. Юқорида айтганимдек, илгарилари транспорт билан боғлиқ муаммолар матбуотда ёритилганда, бу ишга мутасаддилар ҳам шу йўналишда бир юриб кўришлари тавсия қилинарди. Бугунги мутасаддилар ҳам кабинетдан чиқиб, шундай қилиб кўрсалар ёмон бўлмасди. Тарихдан ҳам маълумки, қадимда ҳоким ёки амирлар шаҳар айланиб, қўл остиларидаги халқнинг аҳволи билан қизиққанлар.

Рақобат яхши нарса. Унинг орқасидан рақобатчи томонлар ишларини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Оқибатда эса кўпгина муаммолар ҳал бўлади. Фикримнинг исботи сифатида автобусларга маълум даражада рақобатчи бўлаётган маршрутли таксиларни келтириш ўринли бўлса керак. Уларнинг йўловчилар учун анчагина қулайликлари бор. Масалан, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тасарруфидаги автобуслар фақатгина махсус белгиланган бекатларда тўхтайди. Маршрутли таксилар эса йўловчиларнинг илтимосига кўра, тўхтаб ўтишни таъқиқловчи белги бўлмаган ҳар қандай жойда ҳам тўхташлари мумкин. Бундан ташқари улар йўналишнинг бошланиши билан охирини ҳисобга олмаганда, йўлда умуман тўхтаб, йўловчи кутишмайди. Қолаверса, йўловчилар ҳам бемалол ўтириб, манзилларига етиб олишади. Тўғри, бу маршрутларда ҳам ўзига яраша камчиликлар бор. Мисол учун, айрим ҳайдовчиларнинг йўлда ўзини тутиши, кийган кийимини кўрган кишининг таъби тирриқ бўлиши турган гап. Айниқса, машина йўловчи билан тўла, уларнинг орасида ёш болалар билан аёллар бўлгани ҳолда, баъзиларининг қўполдан-қўпол муомаласига унча-бунча эркак ҳам лол қолади. Ахир, автобуслар ҳам, маршрутли таксилар ҳам жамоат транспорти ҳисобланади-ку. Шундай экан, одам деган эрталаб ишга чиқаётганида соч-соқолига, кийимига эътибор бериши, энг муҳими, ўзини бўлмаса-да, бошқаларни ҳурмат қилиб, ҳалол луқма ейиш ҳамда ширинзабон бўлишга яратилган оғзини ҳар хил бўлмағур сўзлар билан ҳаром қилмаслиги шарт. Буларни ёзишдан мақсад кимнидир қоралаш эмас. Мақоланинг бошланишида келтирилганидек, тан олиб айтаманки, сўнгги пайтларда жамоат транспортининг ишини яхшилашда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Бунинг учун мутасаддилардан миннатдормиз. Балки, бир неча миллионлик пойтахт аҳолисига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш учун жамоат транспорти сонининг нисбатан камлиги таъсир кўрсатаётгандир. «...Пойтахтимизда ҳозир 127 та автобус йўналиши, 6 та шаҳар атрофи йўналиши, 35 та маршрутли такси, 8 та трамвай ва 10 та троллейбус йўналиши мавжуд» («Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 20 декабр сони). Ушбу маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, мавжуд маршрутлар талаб даражасида эмас.

Нима бўлганда ҳам ҳали олдинда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар талайгина. Умид қиламизки, соҳа мутасаддилари халқнинг узоғини яқин қилишдек савобли юмушларнинг кўнгилдагидек бўлиши учун қўлларидан келган барча ишларни амалга оширадилар.

Гафуржон АЛИМОВ,
Тошкент шаҳри

Madadtalab maktub

4-АВТОБУС ҚАЁҚҚА ЙЎҚОЛДИ?

Ҳурматли таҳририят! Биз «Huquq» газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Кўпчилик фуқароларнинг турли муаммолари газета кўмаги билан ҳал қилинаётганидан хабаримиз бор.

Биз талабалар, шаҳримизнинг «Буюк Ипак йўли» метро бекатидан чиққач, 4-автобусга ўтириб, институтга етиб олар эдик. Яқинда бу автобус маршрути олиб ташланди. Бугун биз дарсга кечикиб бораяпмиз. Сабаби метродан институтга бошқа бирорта автобус бормайди. Хусусий таксидан фойдаланиш эса талаба учун қимматлик қилиши аниқ. Нафақат талабалар, бошқа кўплаб йўловчилар ҳам сарсон бўлишмоқда. Автобус бекатидаги диспетчерга мурожаат қилсак, бу муаммони юқоридагилар ҳал қилади дейишди. Биз эса нима учун 4-автобуснинг қатновдан олиб ташланганлигининг сабабини ҳеч жойдан билолмаяпмиз. Бизга бу борада ёрдам берсангиз.

Тошкент давлат маданият институти талабалари номидан:
Дониёр АКРАМОВ, Нодир УСМОНОВ,
жами 8 та имзо.

Коррупция — жамиятни емирувчи иллат

... ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатлардан халос бўлиш, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кўринишларига қарши курашиш ва албатта, жамиятни эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш айниқса зарур.

Ислом КАРИМОВ

Вобкент туманидаги спорт мактаб-интернатида юздан ортиқ бола тарбияланмокда. Уларнинг талаб даражасида таҳсил олиши, таъминоти бюджет ҳисобидан бўлгани сабабли мазкур муассасанинг 2003-2004 йилги фаолияти ўрганилди.

2001 йилдан мазкур даргоҳга директорлик лавозимига тайинланган Қобил Султонов дастлаб ўзини кўрсатди. Тез орада ҳамкасбларнинг ҳурматини қозонди. Аммо директор ҳеч қанча вақт ўтмай нафс измига тушди.

Тафтиш келтирган ташвиш

Мактаб-интернатнинг хўжалик ишлари мудири Б.Тоғаевнинг ишдан бўшагани унга қўл келди. 6 турдаги 1.195.287 сўмлик инвентарларни қабул қилиб олди. Улар ичида музлатгич, кондиционер, кроватдан тортиб, телефон аппаратигача бор эди. Бироқ эртага бошқа хўжалик мудири келса, бу жиҳозлардан қуруқ қолишини тушунган Қ.Султонов уларни юк машинасига ортиб, Бухоро шаҳрига олиб келади. «Шаҳристон» бозоридан мижоз топиб, 750.000 сўмга сотиб юборади. Аммо назорат тартибида ўтказилган тафтишдан ташвишга тушиб қолган директор айби бўйнига қўйилгач, ҳаммасига иқрор бўлди.

Дастлабки терговда спорт мактабига олинган инвентар ва идора жиҳозлари бозор нархидан бир неча баробар қимматга кирим қилингани маълум бўлди. Бунда туман халқ таълими бўлими мутасаддиларининг ҳам «хизмат»лари бор эди.

Ҳаммаси 1998 йилнинг 16 ноябридан — Шавкат Омоновнинг Вобкент туман Халқ таълими бўлими мудири лавозимига тайинланган кундан бошланган экан. Тизим раҳбари туманда фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларини товар-моддий қимматликлар билан таъминлашга бевосита масъул.Мансабнинг ҳеч кимга вафо қилмаслигини яхши англаган Ш.Омонов расмий ҳужжатларни сохталаштириш, қалбаки маълумотларни ҳисоботга тирқаш каби ғирром йўлни танлади. Ишни ўқув парталаридан бошлади. Бухоро шаҳридаги «Мирон» хусусий фирмаси раҳбари Ж.Идиев билан тил бириктириб, асл нархи 46.032 сўмдан бўлган парталарнинг ҳар бир комплектини 62.000 сўмдан ҳисоблаб, 161 комплект товарни халқ таълими бўлимига 7.411.152 сўм маси орқали 200 комплект чойшабнинг ҳар бир жуфтига 2.900 сўмдан устама нарх қўйиб 2.320.000 сўмга, Бухоро шаҳридаги «Садко-Лидез» хусусий фирмаси орқали «Пентиум-4» компьютерини принтери билан бозор баҳосидан анча қиммат – 1.638.000 сўмга, Пешку туманидаги «Шуҳрат-Фаҳри-Саттор» хусусий фирмасидан 202.902 сўмдан бўлган уч комплект болалар спорт тренажёрига ҳар бири икки баробар нарх қўйиб, 1.200.000 сўмга, шу фирмадан 200 дона одеял 2.200.000 сўмга кирим қилинади.

— 2003 йилда 8 та хусусий фирма билан товар олди-сотдисига оид шартномалар тузганмиз, — дейди терговда собиқ ХТБ мудири Ш.Омонов. — Бу тадбирлар бари мавжуд муассасалар ва синф хоналаримизни талаб даражасида жиҳозлаш учун қилинган.

Тўғри, вилоятда таълим-тарбия муассасаларига жуда катта эътибор қаратилаяпти. Миллионлаб бюджет маблағи сарфланаяпти. Аммо бу маблағдан «улуш» ишлаб қолишга уриниш – мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деганидир. Ш.Омонов ҳам бундан мустасно эмас.

Ундан кейин ХТБ мудири вазифасини бажарувчи этиб тайинланган С.Саноев ҳам хусусий фирма ва тадбиркорлар билан шартномалар имзолаб, чойшаб, одеял, тиббий асбоб-ускуналар, маиший жиҳозлару компьютерларгача жуда катта миқдордаги маҳсулотни кирим қилдирган. Собиқ раҳбарнинг «тадбиркор»лиги вазифасини бажарувчи мудир олдида ҳеч нима экан. Чунки С.Саноев тўрт ярим ой давомида олдиберди юк хатлари орқали 7.268.094 сўм фойда «ишлаган».

2004 йилнинг 2 январида Вобкент туман халқ таълими бўлимига янги мудир тайинланди. Афсуски, Н.Қиличев ҳам «қора» анъанани давом эттирди. «ТЗБ Нусрат» ва «Абдусамад Қодир» хусусий фирмаларидан 200 дона жунли одеял, 27 турдаги болалар ўйинчоқлари ҳамда маиший жиҳозлар қабул қилинди. Одеялдан 200.000 сўм, болалар ўйинчоқларидан 1.015.000 сўм, ошхона жиҳозларидан эса 901.107 сўмлик зарар кўрилгани аниқланди. 2.116.087 сўмни янги мудир ўз ҳисобидан тўлашга мажбур.

Ҳар учала мудир ҳам биржа қоғозларига таянганликларини важ қилиб, ўзларини оқлашга уринадилар. Ҳолбуки, биржа маълумоти товарнинг ҳақиқий нархи ҳисобланмаслиги, ҳар икки томоннинг ўзаро келишувини инкор этмаган ҳолда бозордаги нарх-наво билан ҳам қизиқиш кераклиги энг оддий ҳақиқат. Буни мудирлар унутишган бўлса, ўн йилдан буён туман ХТБда бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган Н.Файбуллаев жуда яхши билади. Сабаби, ҳар бир олди-берди ҳисоби бевосита унинг иштироки билан амалга ошади. Лекин Н.Файбуллаев кўп ҳолларда товар олди-сотдисида расмий ҳужжатларда хатоликларга йўл қўйган. Юк хатлари рақамланмаган, баъзида хусусий фирмалардан ишонч қоғозлари олинмаган. Бош ҳисобчининг масъулиятсизлиги туфайли давлатга 3.640.000 сўмлиқ зарар етган.

Вилоят прокуратураси томонидан номлари қайд этилган масъул шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Улар қилмишига яраша жазо олиши муқаррар. Лекин бизни бошқа бир жиҳат ташвишга солади. Вобкент халқ таълими бўлими тасарруфидаги муассасаларда сўнги уч йилда қандай ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб ололмаймиз.

Тожиддин ҚОБИЛОВ,
Бухоро вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.
Учқун ТОЖИЕВ,
журналист

Таъмагирлик тараққиёт душмани

Навоий вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Облоқул АЗИМОВ билан суҳбат

— Облоқул ака, аждодларимиз ҳаром луқмадан доимо ҳазар қилиб, нонини пешона тери билан топиб ейишни чинакам бахт деб билишган. Ҳозир ҳам бу аньана эскиргани йўқ. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, таъмагирлик ва порахўрлик жиноятларини содир этаётганлар ҳам учраб турибди.

— Тўғри айтдингиз, нафсига қул бўлган одам ҳеч нарсадан қайтмайди. Оқибатда ҳаётнинг нопок йўлларидан юришга одатланиб қолади.

Биласизми, кимки ўзи қаллоб бўлмаса, қаллоблар билан ош-қатиқ ҳам бўлиб ўтирмайди. Шундай экан, пора берувчи ёки унга воситачилик қилувчини ҳам сен оппоқ дейиш бориб турган адолатсизликдир. Мана шундан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 211-моддасида пора бериш, 212-моддасида эса пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Лекин пора берувчи ёки воситачи қандай ҳолатда бу ишга қўл ураётганлиги албатта инобатга олинади. Борди-ю, ушбу жиноятни содир этгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишга ёрдам берса, бундай шахсларнинг жавобгарликдан озод этилиши қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Бироқ ҳалол одамларнинг бир номаъқул одатлари борки, улар юзсизлик, таъмагирлик қаршисида ҳамиша орланиб, ерга қараб қоладилар. Емай-ичмай, бор будини қўшқўллаб берсалар-да, кўп ҳолларда фуқаролар мансабдорларга пора берганлиги ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига вақтида мурожаат қилишмайди.

2004 йили вилоят ҳуқуқ-тартибот органларига атиги 10 нафар, 2005 йилда эса 14 нафар фуқаро мансабдорларнинг хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда таъмагирлик қилаётгани хусусида хабар берган холос. Бу жуда кам. Қайд этилган аризалар юзасидан вилоят прокуратураси, МХХ ва ИИБ ҳамкорлигида тезкор тадбирлар ўтказилиб, таъмагир раҳбарларнинг кирдикорлари ўз вақтида фош этилган.

— ***Фош этилган жиноятлар ибрат бўлаяптими?***

— Албатта, бундай жиноятларнинг очиқ суд мажлисларида кўриб чиқилаётгани, айниқса, раҳбар ходимларинг халқ ишончини суиистеъмол қилаётганлиги рўй-рост очиб берилаётгани ҳар бир ориятли раҳбар ёки фуқаро учун ибратдир.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, «Навоийўлтаъминот» МЧЖ раиси Садриддин Насриддинов «Самара» хусусий фирмаси таъминотчиси О.Одиловдан шартномада қайд этилган эҳтиёт қисмларни қабул қилиш эвазига уларнинг қийматидан 20 фоизини ҳисоблаб, 6500 АҚШ долларини пора сифатида талаб қилган ва бу миқдордан бироз кам — 6000 долларни олган.

Жиноят устида қўлга тушган раҳбарнинг иши тергов натижасига кўра судга юборилиб, 8 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Кармана туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи Фахриддин Маматов унга иши тушиб келган фуқаро Дилмурод Жамоловга мурувват кўрсатиб, мушкулини осон қилмоқчи бўлган. Паспортда фамилияси бироз хато битилгани учун тўғрилаб ёзиб бериш эвазига 200.000 сўм пора талаб қилган бу мансабдорнинг қилмишига ҳуқуқ-тартибот органлари тегишли баҳосини беради.

Навоий техника коллежи ўқитувчиси ва қабул комиссияси аъзоси Асрор Норов ҳам фуқаро О.Собироваданхизмат хонасида 180.000 сўмни пора тариқасида олаётганида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олинган. Порахўр бу пулни О.Собироваинг қизини ўқишга киритиб қўйиш эвазига талаб қилган эди. Ушбу ҳолатда ҳам жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Баъзан масъул лавозимда ишлаб турган шахсларнинг жиноят ботқоғига ботиб қолаётганлиги кишини ташвишлантиради. Навбаҳор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Юнусов Охунбобоев номли ширкат хўжалиги аъзоси Н.Жўраевадан 1 гектар тутзорни хатлаб бериш эвазига 100.000 сўмни, фуқаролик ишлари бўйича туман суди раиси К.Халилов қўшнилар ўртасида томорқа бўйича келиб чиққан низони ҳал қилиб бериш эвазига фуқаро С.Наврўзовдан 150.000 сўмни пора тариқасида олганини қандай изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда яна бир аччиқ ҳақиқатни айтиб ўтиш жоиз. Кўпинча фуқаролар мансабдорларнинг олдига бирор юмуш билан борганларида унга пора бериб бўлса ҳам қонунни четлаб ўтиб, ишини битиришга уринадилар. Мана шунинг ўзи жиноятга йўл очади.

Халқимиз орасида ҳалоллик, самимий муносабатлар чуқурроқ илдиз отиб бораверса, юқоридаги каби иллатлар барҳам топиб бораверади.

«Huquq» мухбири
М.АЛОВУДДИНОВ суҳбатлашди

Detektiv hikoya

Тақдир зарбалари

«Билярд шарчаларини тасаввур қил, уни кий билан туртишинг билан ҳаммаси тирқираб кетади. Сен мўлжалга олган шарнинг бундан кейинги ҳаракати бошқа шарларга, стол деворларига туртилиш ва урилишларсиз амалга ошмайди. Инсоннинг умр йўлини ҳам тақдир зарбаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳаётингдаги зарбалар ва туртилишлар сени ўзинг кутмаган жойларга йўллашига ишонавер...».

(Мулло Иосифнинг Графга насиҳатидан)

ТАНИШУВ

— Биз имкон ва хоҳишларимизнинг қулимиз. Атрофингга бир қара. Сен билан ётган барчанинг ўз имконсизлиги ва эрксизлигидан нолишига гувоҳ бўласан. Ваҳоланки, улар бу ерга тушишларидан олдин жуда кўп имкониятларга эга бўлишган. Чек-чегарасиз истаклар эса бир зум ҳам уларга тинчлик бермаган. Мен узоқ йиллар қадаҳ сўзларида бот-бот янграб турадиган тилакларни эшитиб, кўп бора қаҳ-қаҳ отиб кулганман. Ахир ҳаммадан пинҳон тутиладиган исёнкор ниятларимизни наҳотки қадаҳ сўзлари ифода эта олса? Ачинарлиси, ана шу исёнкор ниятларни амалга ошириш йўлида кўпдан-кўп тўсиқларга дуч келар экан, одамзот бунинг учун энг аввал бошқаларни айблайди. Аламзадалик уларни одамларга қарши қайрайди. Қандай қилиб бўлса-да ниятга етишиш йўли бошқаларнинг маҳкумона қийшайиб қотиб қолган мурдалари устидан ўтишини ўзинг ҳам англагандирсан, — бу гапларни айтаётган кекса лўлининг қорамтир юзи турманинг хира лампасида бироз ялтираб кўринарди. Зах ҳаводан нафас олиш мушкул бўлган торгина камерага деразадан хира ёруғлик тушиб турар, устига-устак қўланса ҳид димоқни ёрарди. Чол ҳар замонда «Бор худо-ю, пок худо» деб қўяр, афтидан бу унга одат бўлиб қолганди. Қаршисидаги ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги бир йигитнинг тушкун кайфиятда ўтириши, қарашларида норозилик учқунларининг ялт этиб кетишига у унчалик ҳам эътибор бермасди. Йигитга бу кекса лўлини «Мулло Иосиф» деб таништиришди. Чунки у доим лабидан тутун бурқсиб турадиган ёғоч трубкасини қўймасди. Шоп мўйловлари «халқлар доҳийси»ники сингари тарашланганлиги унга донишмандона салобат бағишлаганди. Бу қўкимтир мўйловнинг сигарет тутунидан бироз куйиб сарғайганлигини сезиш мумкин эди. Ўзининг таъбири билан айтганда «лаънатланган»лар тушадиган бу қамоқхонада узоқ йиллардан бери ўтирар, шу боисдан амалда бу «қўриқхона»нинг донишмандига айланиб қолганди. Янги келганлар имконият туғилиши билан унинг суҳбатидан ўтмай қолмасди. Суҳбат кўпроқ янги «зэк»ка бу ердаги тартиб-қоидаларни уқтириб қўйиш маросимига ўхшаб кетарди.

— Менга сенинг «гера» билан ўйин қилганингни айтишди. Наркобаронликни орзу қилгансан шекилли... Хотинингни ҳам сўйиб қўйган экансан... — Чол эринчоқлик билан трубкасига мохорка солиб тутатди. — Нима, гапиргинг келмаяптими? Бошида шундай бўлади. Ҳеч ким ўзи ҳақида ортиқча билишларини хоҳламайди. Биз эса янги келганлар ҳақида кўп нарсани билиб улгурган бўламиз. Ким бўлса-да бу ерга тушгач иккиуч кундан кейин «янги зэк» сифатида синовдан ўтиши шарт. Ўша пайтда унинг ўзидан биз аллақачон биладиган нарсаларни яна эшитиш анча мароқли. Биласанми, улар зўр бериб ўзларини оқлашга, бошқаларни айблашга ҳаракат қилишади. Кўпинча уларга «Мулло, ўзларининг ҳам оз-моз айби бўлса керак, охи?» деб пичинг қиламан. Тан оладиган мард камдан-кам топилади.

Бу кекса лўлининг форсий аралаш талаффузда янграган бу зерикарли маърузаси йигитнинг энсасини қотирди. У нимадир демоқчи эди, лекин шу пайт эшик қулфи шарақлаб очилди. Уни қамоқхона бошлиғининг олдига олиб кетишди.

— Ниёзметов Шарифмисан? Сенга бу ердаги тартибни тушунтириб қўйишган бўлса керак. «Дисциплина»га амал қилиш шарт, тушундингми? Лекин унутма, «дисциплина — наказуема» деган гап бор. Ўзингни лидердек тутиб, у-бу қилиқ қиладиган бўлсанг, сени жазо кутади. Бу ерда фақат битта нарсага асосланган интизомга риоя қилиниши шарт — қонун, фақат қонун. Қайтараман эскича «зэк»ларга хос тартиб-интизом ўрнатмоқчи бўлсанг, ўзингдан ўпкалайвер. Хотинингни, дўстингни сўйган экансан, ҳеч замонда ҳам одам боласи ўз дўстини, болаларининг онасини ўлдириши мумкинми? Ақалли шу саволга жавоб бер-чи?

Бу гапларни таҳдид оҳангида айтар экан, зона бошлиғи қози қиёфасини олди. Столга тиралган қўли билан уни бир-икки чертиб қўйиб, эшикка яқин турган нозирга ҳам қирғий қараш қилди. Унинг ўзини бундай тутиши маҳбусни заррача ҳам ташвишга солмади. У бироз синиқ товуш билан сув сўради. Бошлиқнинг имоси билан нозир графиндаги сувдан стаканга қуйди-да, маҳбус томон сурди. Қўлини ортга қилиб ўтирган маҳбус сувни истамайгина, намойишкорона ичди. Ичди-ю, шу заҳоти стаканнинг ичига тупурди. Уни маънодор қилиб столнинг нариги четига — бошлиқ томонга суриб қўйди. Унинг бу қилиғидан бошлиқнинг юзи қизариб кетди. Нозир эса шаҳд билан маҳбусга ташланди:

— Э-э онангни ... сенинг.

Лекин йигитнинг совуққон тикилиб туришидан таъсирланган бошлиқ нозирни тўхтатиб қолди.

Йигит эса фавқулодда хотиржамлик билан изоҳ берди:

— Сиз оддийгина стаканингизга тупурганим учун шунчалик жаҳлингиз чиқди. Буни мен изоҳ сўраганингизга «ответ» сифатида қилдим холос. Ҳаётда ҳақиқатан тузини ичиб, тузлуғига тупурадиганлар ҳам бор. Мободо, мен сингари хотинингиз ва энг яқин дўстингиз томонидан қилинган хиёнатга дуч келганингизда нима аҳволга тушишингизни билмадим.

Шундан кейин бошлиқ анча ўйланиб қолди. Ўртага ноқулай сукунат чўқди. У йигитнинг ҳолатини тушунди шекилли, елкасида осилиб турган погонларини тўғрилаб ўрнидан турди. Кейин маҳбуснинг олдига келиб, елкасига қўлини қўйди:

— Мен сени тушундим. Ишонавер, бу ерда сенга нисбатан номардчилик қилишларига йўл қўйилмайди. Лекин сен ватанга қарши қурол кўтарганинг, «оқ вабо»ни тарқатишга бош қўшганингни кечириб бўлади деб ўйласанг хато қиласан.

Йигитни узундан-узоқ коридор бўйлаб бири очилса, иккинчиси автоматик равишда ёпилиб қоладиган темир эшиклардан ўтиб, яна кекса лўли ётган камерага олиб келишди.

Қизиқ, бурчакда полга қотирилган кароватда кўзи ярим очиқ ҳолда ўтирган чолнинг оғзидаги трубка қийшайиб турар, унинг на уйғоқлигини, на ухлаётганини билиб бўларди. Ажабки, эшикнинг тарақлаб очилиши уни заррача безовта қилмади. Йигит кириб келди. Ўзини боса олмай уёқдан-буёққа юрди. Деворни бир-икки муштлаб, сўкинди. Чол бир қимирлаб қўйди.

— Уйқу — ғафлат, бу гал сен Ганга соҳилларида ғафлатда бўлган аждодларимни уйғотувчи бўлиб келган Будда сингари мени ҳушёр торттирдинг. Фарқ шундаки, Будда сен каби зўравонларча деворни муштлаш даражасида гумроҳ бўлмаган. Лекин сен сингари нималарандир қониқмаганлиги рост. Тун узоқ, бинобарин сенинг мудҳиш ўтмишингга оид ҳикоя менинг дунё ва тақдир, имкон ва тилак ҳақидаги фалсафамни бойитса, шууримни янги уфқларга олиб чиқса не ажаб? Сўйла, сайёр, тақдир йўлларингдан сўйла... — бу гапларни айтар экан, чол муте қиёфага кирди. Йигит яхшилаб ўрнашиб олгач, чўнтагидан сигарет олди. Бошлиқ унинг ярасини янгилаб қўйган, кўнглида вулқондек кўтарилиб келаётган изтиробни ким биландир бўлишмаса, гўё портлаб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Сиз, кекса мўлтони, бургани бўғизлашнинг уддасидан чиққанлардансиз шекилли. Бундай ёқимли иборани яқин-яқингача менга нисбатан ҳам ишлатишарди. Кимнингдир эпчил боласи ҳақида тегирмондан бутун чиқади дейишса, мен ҳақимда тегирмондан бир қоп ун билан чиқади деб қўшиб қўйишарди. Ҳозир кўнглимни сизга бўшатмасам бўлмайди. Ўзим ҳам ҳайронман. Умримда кўрмаган, билмаган одамимга сир очишим ғайритабиий ҳол. Лекин энди менга барибир. Мен тамом бўлган одамман...

ЎГАЙ ОНАНИНГ ЗАҲРИДАН АЖДАҲОНИНГ ҚАҲРИ АФЗАЛ

— Энди ўйлаб қарасам, болалигим жуда аянчли ўтган экан. Мен туғилаётиб онам вафот этган. Айтишларича, илк фарзандининг дастлабки йиғисини ҳам эшитолмаган. Мен туғилибоқ онамнинг қотилига айланиб қолган эканман. Гарчи, мени ҳеч ким айбламаса-да, айбсиз айбдор бўлиш нақадар оғирлигини ўзгалар тасаввур қилиши қийин. Қийналиб туғилганлигим учун оёғимда нуқсон орттириб олган эканман. Бироз оқсоқланиб юрганим ва бундан ийманишим боис ичимдагини топ дейиганлар хилидан эдим. Ҳамма ўртоқларим калака қилар, мен эса муштлашишдан қайтмасдим. Бир куни кўчанинг нариги бошида яшовчи Эркин деган бола жиғимга тегди. «Граф» деган лақабни энг аввал ўша бола ишлатганди. Шариф деган исмимга мос оёғимни оқсаб босганлигим учун киноя билан «чўлоқ граф» деган ҳам ўша бола эди. Дилимда унга нисбатан адоват яшарди. Бир куни пахта даласининг ўртасида жойлашган баланд темир столбага ким чиқа олишидан баҳс ўйнадик. Оқсоқ бўлсам-да, бунақа ишларда доим биринчи эдим. Юқорига кўтарилиб борар эканман, пастга қарамасликка ҳаракат қилардим. Диагонал тартибда қўйилган темирлар офтобда қизиб кетган, тарс-тарс ёрилган яланг оёқларимни куйдирарди. Ортимдан Эркин зумраша, Ашир-чиллашир тирмашиб келарди. Яримига етмасдан Ашир қўрқиб ортига қайтди. Тахминан қирқ метрлар баландликда пастга кўзим тушиб қолди. Пастдаги ўнтача боланинг нигоҳи юқорига қадалган, Эркин эса қолай демасди. Атроф аллатовур кенгайиб кетган, узоқ-узоқлардаги далаларни илк бор юқоридан кузатишим эди. Темир устуннинг тепасигача бор-йўғи ўн метрларча қолган, оёғим қалтираб уёғига боришга юрак бетламасди. Бор иродамни ишга солиб юқорига чиқа бошладим. Иссиқ темирни маҳкам ушлашга ҳаракат қилар эканман, қўрқувдан сал қуйдираётганига ҳам парво қилмасдим. Иложи борича тепага ҳам, пастга ҳам қарамасдим. Ва ниҳоят, ушлаш учун қўлимга ҳеч нарса илашмади. Шундан кейин атрофга қараб энг юқорига етганимни сездим. Чуқур нафас олиб, шабада эсаётганини сездим. Ёнгинамдан электр симлари ўтганини эндигина кўриб, имкон қадар унга яқинлашмасликка ҳаракат қила бошладим. Пастга ва атрофга ғолибона назар ташлаб, пастдаги болалар шапкасини осмонга отишаётганига кўзим тушди.

— Ур-ра-а-а... Граф тепага етди.

Темир устуннинг нариги ёнбошида эса яна бир шарпа сезилди. Бундай қарасам, Эркин ҳам чиқиб келибди. Афсуски, унинг оёқлари муаллақ осилиб турар, қўллари билан ёнбошдан туртиб чиққан учбурчак тирғакка осилиб турарди. Ортига қайтадиган йўл йўқ, чунки у тескари туриб қолганлиги сабабли айланиб олиш даражасида маҳорат ва иродага эга эмасди. У бир пас кўзларини чирт юмиб турди-да, кейин менинг далдам билан сал қимирлаб қўйди. Шу пайт қичқириб юборса бўладими. Афтидан қулаб тушишдан қўрқаётганди. У томонга яқинлаша бошладим. Эркин тобора ҳолдан кетиб борар, ҳализамон қўлини қўйиб юборадигандек. Бор умид мендан эди. Яқинлашар эканман, буни чуқур ҳис қилардим. Лекин улгурмадим. Бола толганидан қўлларини қўйиб юборди. Мен умид билан у томонга қўлимни чўздим. Костюмининг этагини тутиб қолганлигимни, мени силтаб юборган зарба кучини кейинроқ сездим. Мўъжиза туфайлигина Эркиннинг оғирлик кучи мени тортиб кетмаганди. Эски аскарча костюмнинг этаги қўлларимда базўр илиниб турар, ўзим тенги бу болани қандай ушлаб қолганлигимга ўзим ҳам ҳайрон эдим. Эркин бир амаллаб оёқларини темир устунга қўйиб олди. У секинлик билан ўзига келди ва биз эсонмон ерга тушиб олдик. Шу тахлит дўстлашиб кетдик. Мен барибир графлигимча қолдим. Лекин бундан хафа бўлмай қўйдим. Кўпинча уйга боришга безиллаб, Эркинларникида тунаб қолардим. Уйда ўгай онам ҳукмронлик қилар, менга турли баҳоналар билан азоб берарди. Отам бунга бепарво эди. Айтишларича, ёшлигида кимларгадир қўшилиб қамалиб чиққан отам ҳамон бетайин дўстларидан воз кечмаганди. Устимдаги кийимларим эскириб, йиртилиб кетар даражасига етган, этигимнинг товони ейилганидан сув ўтарди. Қаҳратон совуқда нам оёқ тез музлаганлиги сабабли кўчада кўп юролмасдим. Ўгай онам эса бир неча чақирим наридаги зовурдан сув ташишга мажбур қиларди. Бир куни Эркин келиб қолди.

— Юр, ланка ўйнаймиз... — деди у.

Қуйма қўрғошин ёпиштирилган бир парча терини тепишда уста эдим. Вазифамни унутиб, кўчага чиқиб кетдим. Кеч бўлиб қолгач, уйга қайтдим. Лекин эшик ичкаридан берк эди. У ердан эркак кишининг товуши эшитилар, ондасонда ўгай онамнинг ҳам овози чиқиб қоларди. Бир пас қаққайиб турдим ва ортга қайта бошладим. Бироздан кейин эшик очилиб, бир барваста киши шошиб чиқиб кетди, менга эътибор ҳам бермади. Бу кимса олдин ҳам уйимизга келиб-кетиб юрар, ўгай онам билан бозорда савдо-сотиқ қилиб туришарди. Менга кўзи тушган ўгай онам эса қўрқув аралаш қичқириб юборди.

— Эй зумраша, қаерларда юрибсан? Қани буёққа кел-чи...

(Давоми келгуси сонда).

Саидмурод ШЕРНАЗАРОВ,
Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ

Sud ocherki

Қўғирчоққа айланган қизча

Хуршида овсини билан гузарга чиққанда почтахона ёнида одамлар уймалашиб турганини кўриб, ўша томонга интилди. Анча вақт кутиб қолган бўлса-да, бундан оғринмади. Ахир, қўли анчадан буён пул кўрмаган эди. Мана энди эса бошқа гап.

Жувон ҳовуз бўйидаги кўчма бозорчадан пахта ёғи, картошка, пиёз харид қилди. Атрофни кузаткан, чап ёндаги латта-путталар диққатини тортди. Шундоққина болалар кийимлари орасига ўтқазиб қўйилган қўғирчоқни кўрди-ю, бир орзиқди. «Ўтиришини қаранг. Сочлари ҳам худди Шалоланикидек жингалактоб. Ё тавба, нимтачасининг ярашгани-чи!».

— Олинг, опажон, ўзи биттагина қолган, — сотувчи қиз қўлига олиб у ёқ-бу ёғини кўз-кўз қиларкан.

Онанинг харидидан кўнгли тўлганди. Йўлда ҳам қизчасининг шодон чеҳрасини эслашга уринарди. Дарвозаларига икки-уч ҳовли қолганда кўча чеккасида тириллаб турган тракторни кўрди. Тележкада сотиш учун катта-катта амири қовунларни олиб чиқишибди. «Ўзимизнинг Ўртачўлникига ўхшайди. Тушлик тайёрлашдан кўра...».

Қўлларида халта ва қовун билан дарвоза табақасини секин очиб кирди-да, ҳовли сатҳини кузатишга тушди. Босма кран олдидаги райҳонзор ёнида қизи ниманидир пойлаб турар эди.

— Шалола!

Қизча ярқ этиб ўгирилди-ю, бир лаҳза туриб қолди. Шундоққина қўллари олдидан ҳавога кўтарилган ҳарир қанотли капалакни қочириб қўйганидан ачиниб қошини чимирди-да, онаси томон югурди. Она эгилиб дилбандини қучоғига олди.

— Қўлларинг бунча совуқ, сув-пувда ўйнамадингми ишқилиб? Қара, сенга нима олиб келдим. Кўп йиғлатмагин, хўпми?

Қизалоқ қўлидаги қўғирчоққа бир зум тикилиб турди-да, сўнг дарвоза томонга югуриб кетди.

— Эҳтиёт бўл! — Хуршида юк билан ошхона сари юраркан, қулимсираб қўйди: «Санамга мақтаниб келади чоғи».

Шу онда Ғуломжон бостирма томондан бир қулочча чилвирни ўйнаб келаётган эди. Аёли ошхонадан унга пешвоз юраркан, ҳайрон сўради:

— Нима, бузоқ яна ипини уздими?

— Йўқ, узмаса ҳам алмаштирдимда. Қара, қандай илиниб қолибди.

У чилвирни бир чангал қилиб девор ёнига улоқтирди.

— Чой-пой қўйдингизми?

Хуршида қўлидаги сочиқни умивалник ёнига илиб, ичдамай ошхонага қайтди. Бироздан кейин сирли лаълида чиройли қилиб тўқралган қовунни хўжайини кириб ўтирган пешайвонга олиб чиқди. Ярим ёзилган дастурхонни дид билан текислаб, улбул нарсаларни қўйди. Ғуломжон қовун бўлагидан бирини олиб оғзига соларкан, чеҳраси ёришди.

— Бай-бай, дидингиз чакки эмас.

— Энди билдингизми? — секингина қистириб қўйди аёли ҳам.

— Ҳо, сизга ғап тегса бўлди. Айтгандай, Шалолани чақирмайсизми?

— Чақирдим. Ҳозир қулоғига ғап кирармиди?

Бир чойнакча чой ичилгач, Хуршида ўрнидан турди. Дастурхонни аввалгидек ярим ёпиқ қолдириб, кир ювишга тутинди. Ҳаш-паш дегунча кирларини ювиб бўлди. Сўнгги кўйлакни силкита-силкита дорга осаётиб, қўнғироқдек товушдан хушёр тортди.

— Шалола, ҳо Шалола!

Дарвоза ёнида коптогини қучоқлаб қўшниларининг қизи турарди.

— Э, Санам, дугонанг сизларникида эмасмиди?

Қизча бошини сарак-сарак қилиб «йўқ» ифодасини берди-да, яна ўйинга тутинди. Хуршида донг қотиб қолди: «Бўлмаса қайга кетади, ҳали асфалт йўлга чиқиб кетган бўлса-я!».

— Ҳой, дадаси!

— Нима ғап? — йўл-йўлакай оёғига шиппагини илдириб олган Ғуломжон бунча ваҳимачи бўлмасангиз дегандек хотинига тикилди.

— Эшитдингизми, Шалола Санамларникида йўқ экан, — Хуршида белидаги фартукчасини ечиб, қўлларини унга артди-да, кўча сари юрди. Ғуломжон унга эргашди. Икковлашиб кузатишди, ён-атрофда бирор шарпа сезилмайди.

— Шошманг, боя Роҳат опангиз келмабмиди? Унга қўшилиб кетган бўлса-я.

— Балки. Мен хабар олай-чи. Сиз у томондаги қўшниларникига...

Қуёш оға бошлаган бўлишига қарамай саратоннинг тафти қайтмаган эди.

* * *

Умидсизланиб қайтаётган Ғуломжон аёлининг ҳам мискин қайтишини кўриб, кўнгли баттар эзилди. Тезлик билан яқинларникига одам қўйилди. Сўровлар қариндошларни ҳам таҳлиқага солиб қўйганди.

Эркаклар болалар билан зовур, қабристон атрофларини қараб чиқишди. Афсуски, қизча ҳеч қаерда йўқ эди. Ғуломжон укасига велосипедини бериб, мактаб ва гузар тарафлардан хабар олиб келишга жўнатди. Ўзи эса нима учундир уйига кириб, янги қалпоғини бошига илиб чиқди.

— Укажон, бир гумонимиз Дамариқда қолди. Мободо қўл-пўлини юваман деб... — деди Мўмин акаси.

— Мен ҳам шуни айтаман-да! — дея уни қувватлади қудалари Ирисқул ака. — Ахир, оқими анча тез.

Ғуломжон бир зум ерга тикилганча жим тургач, бир қароргa келди.

— Бўпти, ҳаммани айтинглар. Сув-га тушиб, оқим бўйлаб кетасизлар. Лекин жуда синчков бўлинглар.

— Нима, сен бормайсанми?

— Йўқ, ака, шифохоналарни сўраб-суриштирмоқчиман. Кейин милиция-га ҳам хабар қилишимиз керак.

— Бай-бай, дидингиз чакки эмас.

— Энди билдингизми? — секингина қистириб қўйди аёли ҳам.

— Ҳо, сизга ғап тегса бўлди. Айтгандай, Шалолани чақирмайсизми?

— Чақирдим. Ҳозир қулоғига ғап кирармиди?

Бир чойнакча чой ичилгач, Хуршида ўрнидан турди. Дастурхонни аввалгидек ярим ёпиқ қолдириб, кир ювишга тутинди. Ҳаш-паш дегунча кирларини ювиб бўлди. Сўнгги кўйлакни силкита-силкита дорга осаётиб, қўнғироқдек товушдан хушёр тортди.

— Шалола, ҳо Шалола!

Дарвоза ёнида коптогини қучоқлаб қўшниларининг қизи турарди.

— Э, Санам, дугонанг сизларникида эмасмиди?

Қизча бошини сарак-сарак қилиб «йўқ» ифодасини берди-да, яна ўйинга тутинди. Хуршида донг қотиб қолди: «Бўлмаса қайга кетади, ҳали асфалт йўлга чиқиб кетган бўлса-я!».

— Ҳой, дадаси!

— Нима ғап? — йўл-йўлакай оёғига шиппагини илдириб олган Ғуломжон бунча ваҳимачи бўлмасангиз дегандек хотинига тикилди.

— Эшитдингизми, Шалола Санамларникида йўқ экан, — Хуршида

Алишер ортига ўгирилиб, илдам-илдам юрганча дарвозадан чиқди. Сўнг қўшиларнинг девори ортидан солинган оралиқ йўлак орқали тўппа-тўғри Дамариқнинг кўприкчаси устига келди. Кўприкча металлдан қурилган бўлиб, битта устун устига ўрнатилганди. Алишер кўприкдан туриб устун томонга энгашди. Кейин кўрсаткич бармоғини бигиз қилди:

— Ана! Ана у!

Оқим сустлашиб қолгани учун тезкор гуруҳ аъзоларидан бири ариқ саҳнидаги қуруқ тош устига тушиб, металл устуннинг тубига тикилди. Бир полиэтилен халтага нимадир солиниб, сим билан бойлаб ташланган. Унинг йиртиқ жойидан нозиккина оёқча ва қўлча оқим сари чиқиб турибди.

— Аҳроржон, пастга тушинг, — деди катта лейтенант ҳамкасби Халиловга маънодор тикилиб.

— Вой! Онагинанг ўлсин, болам! — Хуршида муштлари билан дам-бадам кўксига уриб, чирқирагaнича ариқ ичига тушиб келди.

— Қайтинг, келин, қайтинг! — участка нозири аёлни қўлтиғидан тутиб, кўтчиликнинг ёнига олиб чиқаркан, қолганларга ҳам мурожаат қилди, — қани, ҳаммаларингиз ҳовли томонга ўтингизлар-чи. Барибир бу ерда ёрдамларингиз тегмайди.

Аросатдаги яқинлар секин-аста ортга чекина бошладилар.

Қотиб қолган жасад оқ чойшабга ўралиб, «Нексия» қошига келтирилди. Бу орада ҳали эркаклар қидирувдан қайтишмаганди. Шу боисдан тезкор гуруҳ ходимлари маҳалла оқсоқолини ёнларига имлаб чақириб, шу орада бўлиб туришни тайинлашди.

— Жасадни тиббий экспертизага етказмасак бўлмайди. Ғуломбойларга тушунтиринг. Мободо бирор ишда қизиққонлик қилиб ўтирмасин.

Кўз олдида хўрланган қизчанинг сиймоси, акашак қўл-оёқлари мухрланиб қолган бутун бошли уруғнинг бирин-кетин қўллари муштга айланарди. «Қайси махлуқ қилди бу ишни? Оғзидан она сутининг ҳиди аримаган норасида кимга ёмонлик қилган эди!». Ақл бовар қилмас зил-замбил савол айни топда тезкор гуруҳ ходимларини ҳам хушёр торттириб қўйганди.

* * *

Карахт ётган Элёрнинг вақт чошгоҳдан ошган паллада дийдаси очилди. Қараса ҳовлида ўзидан бошқа ҳеч ким қолмабди. Қанийди шу топда бир пиёла ароқ бўлса-ю, ари уясидай ғувиллоқ калласи жойига тушса.

Унинг дарди қаттиқ эди. Кўчага чиқиб, у ёқ-бу ёқда саланглаб юрди. Ароқ олиб берадиган ҳожатбарор топилмади. Бир пайт Элёрнинг ёнидан бир «Отайўл» микроавтобуси парилларганича ўтиб кетди-ю, ўттиз қадамча юриб, йўл четида тўхтади. Одамлар чоршанба бозоридан қайтишаётганди. Хотин-халаж билан бирга қўлида бир жуфт дераза карнизини кўтарганича Исроил ака ҳам уловдан тушиб қолди. Буни кўриб Элёр бироз турди-ю, унинг изидан жўнади.

— Ҳормасинлар! Қани, тараддудлар катта-ку, ака.

— Ҳа, энди тирикчилик-да, ука. Олдинда тўйимиз бор. Янгангиз келин келадиган уйга янги парда қилайлик деб ҳоли жонимга қўймас эди. Мана...

— Ҳа, акам. Хотиннинг зўри — эрнинг шўри экан-да.

— Шундай-ку, лекин янгангизнинг ҳам гапида жон бор. — Исроил ака катта йўлдан бироз четга чиқиб, шаҳдини ошира борди. Элёр эса суҳбатнинг шу жойда узилиб қолишидан қўрқиб, гапга янги мавзу излади.

— Майли, ҳар кимни тўйга етказсин. Бу дейман, тўй олдидан бир боргин демайсиз. Хизмат-пизматдан бўйин товлармидик, ака?

— Ҳар кимнинг ўз ташвиши, Элёрбек. Ҳозир уйга кирсам, янгангиз манави матоҳни ўрнатиб берасиз деб туриб олади. Кейин далага, даладан уйга...

— Карнизнинг амри осон. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин-да. Юринг, кўмаклашиб юбораман.

Икковлашиб бир зумда ишнинг суробини келтиришди. Буни кўриб Саодат янга сандиқдан раҳи бузилмаган пардаликни олиб чиқди.

Ҳарқалай, янги янги-да. Карнизга рангпар матоҳ осилгач, биноийдек хона чароғон бўлиб кетди. Бундан кўнгли ёришган бека шу хонанинг ўзида дастурхон безашга тутинди. Исроил ака бўлса тўйга деб тайёрлатган қўлбола ароқларидан бирини дастурхонга қўйди...

Дунё ташвишларидан батамом қутулган йигит қадрдон кўчасига қайтди. Онда-сонда чайқалиб бораркан, йўловчи йигитдан тиланиб нос чекди. Шундан кейин гандираклаб, ён чўпларни кўчиб тушган бекат ўриндиғига ўтириб олди. У ёғи ҳам йўловчи, бу ёғи ҳам.

Ана, бир жувон баланд пошналарини бетон йўлакчага тақ-туқ уриб кетиб бормоқда. Ярим очиқ кўкси, елкагача қирқиб келинган енгсиз кўйлак зътиборни тортади. Элёр унинг ортидан тикилди. «Азизага ўхшаб кетарканми? Азиза! Ҳозир борсам уйингдамисан?».

У фоҳишанинг оғушини қўмсаб қолди. Кўп ўтмай Азиза яшайдиган уй дарчаси ёнида пайдо бўлди.

Зулфакни ташқаридан туриб очиш осон. Секин ичкари кирса, рақоса қизнинг бир ўзи эмас экан. Телевизор ёқилган меҳмонхонада икки кишилик юмшоқ ўриндиқ бақамтиқ ўйилган. «Меҳмон» йигит тахминан ёшига тенг бўлса-да, қув кўзларидан бир сирни олиш қийин.

Пастак стол устида яримигача ичилган шампан ва шоколад бўлаклари турибди.

— Тақиллатиб киришни қачон ўрганадилар, яхши йигит? — деди маккора беписандлик билан.

— Келмайдиган жойим эмас-ку, ахир! — чақирилмаган меҳмон эрсада, қўрслиги тутиб борарди Элёрнинг. — Қўрқма, Муслимани сўраб киргандим!

Азиза биллур қадаҳни қўлига оларкан, истеҳзоли кулди.

— Унақа келгиндилар остонамни ҳатлаб ўтолмайди. Менга қара, Эдик. Суқсурдай хотинингни ҳайдаб, энди кунинг ўша манжалақиларга қолдими? Кимга қандай, билмадим-у, аммо бу юриш сенга ярашмас экан.

— Хотинимни менга эслатма, «хиёнатни кечирмас юрак» деган экан бир машойих, билдингми?

— Ўша машойихинг ҳозирги аҳволингни кўрса, йиғлаб юбориши тайин. — Азиза қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, қошларини чимириб, у томонга ўгирилди. — Сенга бир гапни айтайми?

— Айтавер, ичингда қолиб кетмасин.

— Хотинчанг менга бошқача айтган. Эркаклигинг йўқлиги сабабли у сендан кетиб қолганмиш.

— Сендан чиққандир бу гийбат!

— Эшитганинг. Энди бор, жўна!

— Ит эмган маразлар! Ҳали гапингга жавоб берасан.

Элёр эшикни зарб билан ёпиб, кўчага отилди. Шу шаҳд билан хотини яшайдиган кўп қаватли уйга борди. Аксига олиб, кетма-кет босгани билан эшик қўнғироқларига бирор жавоб бўлмади. Кейин эшикни муштлаб, бақир-чақир қилишга тушди.

Бироздан сўнг қўшни хонадоннинг эшиги очилиб, ёши элликларни қоралаган аёл остонада кўринди.

— Бунча тақиллатдингиз, ука! Ахир «звоноги» бор-ку. Улар эрталаб қишлоққа кетишган.

Элёр аччиғини кимдан олишни билмасди. Асаблари қақшаб ҳовлисига пиёда қайтишга мажбур бўлди.

— Ассалом!

Қаҳр отида фақат оёғи остини кўриб келаётган йигит бир қизчанинг ипақдек майин овозидан ўзига келди.

— Ваалайкум! — бироз ўтиб кетгач, яна орқасига ўгирилди. — Исминг нимайди, қизча?

— Шалола. Буники бўлса чақалоқ.

— Ия, чақалоқ деган ҳам исм бўладими?

Офтоб нурида ярқ-ярқ этиб товланаётган тилла зирак йигитнинг эътиборини тортди. Айни пешин бўлгани учун атроф сув сепилгандай жимжит эди. Ортига қайтиб келиб, қизчанинг жажжи кафтларидан ушлади.

— Ҳу анави толорларни кўраяпсанми? Юрсанг, бир этак узиб бераман.

Ёнма-ён уларнинг супасига келишди. Элёр қизалоқни иккала қўлтиғидан олиб баланд кўтарди.

— Уз, сарғиш товланган бошни торт!

Бир дафъа қўрқувни унутиб Шалола ҳусайни узумнинг «думи»дан тортди. Оғир бош чирт узилиб, супа узра сочилиб кетди. Элёр этагига териб солгач, Шалола узумлар билан дарча томонга интилди. Шунда қўшни «амаки» яна қўлтиғидан тутиб, айвондаги тахта чорпоя устига ўтқазиб қўйди.

— Шу ерда еявер. Шошма, зиракларингни томоша қилсам майлими?

Олтин зиракчалар қоғоз бўлакчасига ўралиб, ён чўнтак тубига тушди.

Кейин Элёр қизчанинг узум солинган этаги остидаги юмшоқ бадданига кафтини қўйди. Шу лаҳзада йигитнинг танасида шаҳвоний ҳирс ловуллаб боради...

* * *

Майитни тумонат одам тупроққа қўйди. Ҳовли ичидаги оҳ-фарёддан ёшланмаган бирорта ҳам ёниқ кўз қолмагани рост. Эртаси куни Оқбўйин итлари қайдандир марҳум сўнгги овунчоғи бўлган ўша қўғирчоқни этагидан тишлаб олиб келди. Буни кўриб Хуршида яна ҳушини йўқотаёзди. Сал ўзига келгач, Ғуломжон икковлари уни қайтадан ювиб-тараб, Шалоланинг стол устидаги сурати ёнига ўтиргизиб қўйишди.

Азадорлар якшанба куни яна бир воқеадан хабар топишди. Зиракчани сотиш илинжида изғиб юрган Элёр Рўзиев ашёвий далил билан қўлга олинибди...

Абдурахмат БОЛТАЕВ,
Навоий шаҳар прокурори.
М.АЛОВУДДИНОВ,
«Huquq» мухбири

Янги айблов

Ливаннинг собиқ бош вазири марҳум Рафиқ Ҳаририйнинг ўлими юзасидан олиб борилаётган текширишлар тобора қизғин тус олмоқда. Ҳаририйнинг ўлдирилиши сабабларини аниқлаш борасида БМТ ташкил қилган махсус комиссия аъзолари бу борада ўз тахминларини билдиришаяпти. Шу вақтгача давом этиб келган суриштирувлар суриялик айрим сиёсатчиларнинг асабига таъсир қилди. Суриянинг собиқ вице-президенти Абдулҳалим Хаддам биринчилардан бўлиб Рафиқ Ҳаририйнинг ўлимида президент Башар Асаднинг қўли борлигини айтди. Бунга жавобан Сурия ҳукумати мазкур айбловларни туҳмат деб, Хаддамни мамлакатдаги ҳукмрон «Баас» партияси аъзолигидан маҳрум этди. Шунингдек, Сурия парламенти мамлакат адлия вазирига мурожаат этиб, Хаддамни сотқинлик ва туҳмат қилишда айблаб жиноят иши қўзғатишга чақирди.

Қудратли раҳбар

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб Россия «Катта саккизлик»ка раислик қила бошлайди. Маълумки, «Катта саккизлик» жаҳонда энг ривожланган 8 та давлат — Россия, АҚШ, Буюкбритания, Франция, Япония, Германия, Канада ва Италиядан ташкил топган. Таъкидлаш жоизки, мазкур ташкилотда раислик қилувчи давлат йилнинг энг долзарб масалаларини белгилайди ва ушбу давлатларнинг диққати айни шу йўналишларга қаратилади. Мутахассисларнинг айтишича, жорий йилда энергетика сиёсати, демография муаммолари ва яна қатор масалаларга эътибор берилиши кутилмоқда. «Катта саккизлик»нинг бу йилги йиғилиши Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтади.

Яна бирлашди

Буюкбританиянинг «Hilton Group» компанияси ўз тасарруфидаги 400 та меҳмонхонани АҚШнинг «Hilton Hotels» компаниясига 5,7 млрд. долларга сотди. Шу билан 41 йил давомида икки компанияга тегишли бўлган «Hilton» белгиси энди яна битта компания қўлига ўтди. Айни дамда «Hilton Hotels» компанияси АҚШ худудида 2900 та меҳмонхонага эга. Бу икки компанияни бирлаштириш борасидаги музокаралар бир неча йил давомида олиб борилди ва 2005 йилнинг охирига келибгина бу масалага нуқта қўйилди.

Террор талофатлари

Янги йилнинг биринчи куни Ироқда 11 та террорчилик ҳаракати содир этилди. Бомба жойлаштирилган 11 та машина мамлакатнинг бир нечта шаҳарларида портлатилди. Хуружнинг катта қисми пойтахт Бағдодга тўғри келди. Бу ерда 8 та машина портлади. Биринчи портлаш маҳаллий вақт билан соат саккиздан ўн беш дақиқа ўтганда амалга оширилган. Шундан сўнг икки ярим соат оралиқ билан кетма-кет 7 та портловчи қурилма ҳаракатга келтирилган. Тикрит ҳамда Киркук шаҳарларида ҳам террорчилар портловчи моддаларга тўла машиналарни портлатиб юборганлар. Якшанба куни содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида 9 киши ҳалок бўлган, ўнлаб тинч аҳоли вакиллари жароҳатланган. Таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган террористик хуружларнинг аксарияти Ироқдаги АҚШ ҳарбийларига қаратилган. Умуман олганда эса, 2005 йили Ироқда АҚШнинг 842 нафар ҳарбийси ҳалок бўлган, уруш бошланганидан буён эса бу кўрсаткич 2173 кишини ташкил этади.

Арчадаги отишув

Чеченистон пойтахти Грознийда янги йил кечаси осойишта ўтмади. Шаҳар марказига ўрнатилган янги йил арчаси ёнида хизмат вазифасини ўтаётган бир гуруҳ милиционерлар номаълум шахслар томонидан ўққа тутилган. Тўқнашув оқибатида иккита милиционер ҳалок бўлган, босқинчиларнинг ҳам икки нафари ўлдирилган. Ачинарлиси, янги йил арчасини томоша қилишга чиққан аёл ҳам отишма натижасида ҳалок бўлган. Айни дамда ўлдирилган террорчиларнинг шахси аниқланмоқда. Грознийда жиноятчиларни тутиш бўйича «Вулқон-5» операцияси жорий этилди.

Тарихга назар

Буюкбритания бош вазири Тони Блэр ушбу лавозимда энг узоқ вақт фаолият кўрсатган инглизлардан бири сифатида қайд этилди. Тони Блэр бош вазир лавозимига 1997 йилнинг 2 майида сайланган эди. Ҳозир у учинчи муддат бош вазир курсисини эгаллаб турибди. Сўнгги юз йил ичида фақатгина Маргарет Тэтчер хоним ушбу курсини ундан кўпроқ вақт эгаллаб турган, холос. Умуман эса Буюкбритания тарихида 52 та бош вазир ўтган, улардан фақатгина Тэтчер хоним аёл киши бўла туриб ҳукуматга раҳбарлик қилган. Илк бор бош вазир лавозимига Роберт Уолпоул сайланган. У 21 йил бош вазирлик қилган ва Буюкбритания тарихида ҳукуматни энг узоқ бошқарган шахс сифатида эътироф этилган.

Кескин ихтилофлар

Яқин Шарқ муаммоси тобора кескин тус олмоқда. Маълумки, Фаластиннинг учта йирик сиёсий гуруҳи 2006 йилнинг 1 январидан Исроил ҳамда Фаластин ўртасида имзоланган тинчлик битимига риоя қилмаслигини эълон қилишган. Бундан ташқари, 1 январ куни эрталаб Исроил ҳарбий самолёти Ғазо секторининг жанубидаги Хон-Юнус қочоқлар лагерига ракета зарбаларини берган. Исроилликларнинг баёнотида айтилишича, зарбалар террорчилар яширинган бинога қаратилган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Исроил ҳарбийларининг мазкур операциясини кескин танқид қилди, шунга қарамай Фаластиндаги учта сиёсий гуруҳнинг тинчлик битимидан чиқиб кетишини ҳам катта хато дея изоҳлади.

Янги йил синови

Янги йил барча мамлакатлар учун ҳам яхши бошланмади. Австралиянинг Квинсленд штатидаги Ипсуич шаҳри яқинида авиаҳалокат рўй берди. Бортида етти киши бўлган бир моторли самолёт ҳавога кўтарилиши биланоқ двигателдаги носозлик туфайли сув омборига қулаб тушган. Ҳалокат натижасида 5 киши қурбон бўлган, икки нафар йўловчи эса оғир жароҳат билан маҳаллий шифохонага келтирилган.

Мамлакатнинг бир қатор ҳудудларида бошланган ёғинлар ҳам аҳолини қаттиқ синовдан ўтказмоқда. Ҳозир ҳаво ҳарорати 45 даража иссиқ.

Журналистлар намойиши

Хитойда юздан ортиқ журналист мамлакат ҳукуматининг Хитойдаги энг илғор газеталаридан бири бўлмиш «Хитой янгиликлари» нашрининг бош муҳарририни лавозимидан бўшатиш ҳақидаги қарорига норозилик белгиси сифатида иш ташлади. Мазкур газета бош муҳарририни ҳукумат ўтган ҳафтада ҳеч бир изоҳсиз ишдан бўшатган. Ушбу нашрда 400 дан ортиқ журналист фаолият кўрсатади, айни дамда ҳар бир тўртинчи ходим норозилик сифатида ўз ишини ташлаб, намойишга чиқмоқда. Газетанинг жума кунги сони одатий 80 саҳифа ўрнига 32 саҳифада чиққан.

Йирик сармоя

Янги йилда жаҳон иқтисодиётида кескин ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. «Morgan Stanley» ва «Lehman Brothers» инвестицион банкларининг баёнотига кўра, 2005 йилда жаҳондаги йирик компанияларнинг бирлашувидан ҳосил бўлган маблағ 2,58 трлн. долларни ташкил этди. Йилнинг энг катта иқтисодий битими сифатида «Proctor and Gamble» компанияси томонидан «Gillette» компаниясининг 57 млрд. долларга сотиб олиниши эътироф этилди. 2005 йилда имзоланган шартномалар асосида амалга оширилган иқтисодий операциялардан инвестицион банклар 2,747 млрд. доллар миқдорида фойда кўрди. Бу турдаги операцияларда иштирок этган инвестицион банклар орасида олинган фойда ҳисобидан биринчи ўринни «Goldman Sachs» банки эгаллаб турибди. Мазкур банк жаҳон иқтисодиётида шу йўналишдаги операцияларнинг 30 фоизида иштирок этиб, 337 млн. доллар фойда кўрган. Иккинчи ва учинчи ўринни «Morgan Stanley» ва «Lehman Brothers» инвестицион банклари эгаллаб турибди.

Жаҳон рекорди

Россия 2005 йилда космик аппаратларни фазога чиқариш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди. Таъкидлаш керакки, икки йил давомида бу борада Россия Европа давлатлари ҳамда АҚШни ортда қолдириб келмоқда. «Роскосмос» раҳбари Анатолий Перминовнинг айтишича, унинг тасарруфидаги ташкилот ўтган йили 36 та космик аппаратни фазога учирган, улардан 20 таси Россия космик ракеталаридир. Шунингдек, хорижий давлатлар билан тижорат шартномалари асосида 16 космик аппарат фазога олиб чиқилган. АҚШ ҳаммаси бўлиб 16 та, Европа давлатлари эса 12 та аппаратни фазога олиб чиққан, холос.

Internet хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВтайёрлади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Эллиққалъа туман ҳокимлиги жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси Анажон Раззоқовага онаси **МАРЯМ ая**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

HUQUQ yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati: Bahriddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 358. 18.926 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 6 7 8

«Huquq» билан ҳуқуқий маърифат сари

Yanvar

D.	2	9	16	23	30
S.	3	10	17	24	31
Ch.	4	11	18	25	
P.	5	12	19	26	
J.	6	13	20	27	
Sh.	7	14	21	28	
Y.	1	8	15	22	29

Fevral

D.	6	13	20	27
S.	7	14	21	28
Ch.	1	8	15	22
P.	2	9	16	23
J.	3	10	17	24
Sh.	4	11	18	25
Y.	5	12	19	26

Aprel

D.	3	10	17	24	
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

May

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

Mart

D.	6	13	20	27	
S.	7	14	21	28	
Ch.	1	8	15	22	29
P.	2	9	16	23	30
J.	3	10	17	24	31
Sh.	4	11	18	25	
Y.	5	12	19	26	

Iyun

D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	
Y.	4	11	18	25	

2006 - yil —

«Huquq» доим Сиз билан!

Homiylar va shifokorlar yili

Iyul

D.	3	10	17	24	31	
S.	4	11	18	25		
Ch.	5	12	19	26		
P.	6	13	20	27		
J.	7	14	21	28		
Sh.	1	8	15	22	29	
Y.	2	9	16	23	30	

Noyabr

D.	6	13	20	27	
S.	7	14	21	28	
Ch.	1	8	15	22	29
P.	2	9	16	23	30
J.	3	10	17	24	
Sh.	4	11	18	25	
Y.	5	12	19	26	

Avgust

D.	7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9	16	23	30
P.	3	10	17	24	31
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

Sentabr

D.	4	11	18	25	
S.	5	12	19	26	
Ch.	6	13	20	27	
P.	7	14	21	28	
J.	1	8	15	22	29
Sh.	2	9	16	23	30
Y.	3	10	17	24	

Oktabr

D.	2	9	16	23	30
S.	3	10	17	24	31
Ch.	4	11	18	25	
P.	5	12	19	26	
J.	6	13	20	27	
Sh.	7	14	21	28	
Y.	1	8	15	22	29

Dekabr

D.	4	11	18	25	
S.	5	12	19	26	
Ch.	6	13	20	27	
P.	7	14	21	28	
J.	1	8	15	22	29
Sh.	2	9	16	23	30
Y.	3	10	17	24	31